


# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2011-yil, 21-yanvar • № 4 (4091)


Алишер Навоий — 570

## МАНГУ ЭҲТИЁЖ

Биз яшаётган XXI аср ўзининг минглаб атрибутлари билан Алишер Навоий даҳосини майдонга чиқарган XV асрдан илгарилаб кетди. Ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган инсонни тамаддуннинг бугунги мисли кўрилмаган даражаси ҳам қониқтирмаётгани сир эмас. Аммо қизиқ бир парадокс кишини ўйлантиради: нега биз яна боболар меросига, бинобарин, улуғ Алишер Навоийга эҳтиёж сезаверамиз? Асрлар ўртага ташлаган лисоний пардани луғатлар ёрдамида кўтариш машаққати шусиз ҳам ташвиш-эҳтиёжлари тобора ошиб бораётган замондошларга шунчалик керакмикан? Агар масалага инсоннинг руҳий эҳтиёжлари, инсониятнинг маънавий такомили, миллат тараққиёти манфаатлари нуқтаи назаридан қаралса, Навоийни ўқиш заруриятини чандон ортганини кўриш мумкин. Бу зарурият, энг аввало, Алишер Навоий шахси ва ижодида абадий инсоний идеалларнинг тажассум топганлиги билан изоҳланади. У тафаккур тадрижини шундай бир чўққига кўтариб қўйдики, бу чўққи Вақт билан басма-бас тобора юксалмоқда – башарият бу чўққининг пойига етиш учун ҳали неча-неча асрлар йўл босиши лозим бўлади. Алишер Навоий асарлари улкан фалсафий, ижтимоий, тасаввуфий мазмунидан ташқари, энг аввало, инсоний туйғуларни илоҳий сўз санъаткорлигида ифода этганлиги билан ҳар қандай ўқувчи қалбига яқиндир.

**Эй кўнгил, душманлар онча**
**макр ила фан қилдилар**
**Ким, вафолиғ дўстни жонимга**
**душман қилдилар —**

деб ёзади шоир бир ғазалида. Унда ғоятда самимийлик билан, айни пайтда, ниҳоясиз дарду ҳасрат билан ифода этилган ҳолат қай биримизга бегона экан!? Қайси биримиз умримизнинг муайян лаҳзаларида — коинот гултожи саналмиш Одам Ато фарзандларининг эзгуликдан кўра ёвузликка устомонлигидан, иғво, ҳасад, манфаатпарастлик, ғийбат, сохтакорлик, ёлғонни бўрттириб, "вафолиғ дўст"ларни душманимизга айлантирганликларидан азият чекмаганмиз?! Шундай фурсатларда қайси биримиз болаларча шарҳи ҳолга, болаларча тасалли ва ҳимояга муҳтожлик сезмадик экан?!

**Айламанг бекаслигимни**
**таън бир кун, бор эди**
**Менда ҳам бир нозанин**
**чобуксувор, эй дўстлар —**

ўқиймиз яна бир ғазалда.

Алишер Навоий ижодига яқинлашишга ҳайиқиброқ турган ҳар қандай китобхон фавқулодда самимий изҳори дил, ҳасрат, илтижодан ларзага тушмаслиги мумкин эмас. Ана шундай мисраларда шоир қалби — бизга кўп ҳолларда олийшон поэтик анъаналарга, мислсиз улкан шахснинг ижтимоий дардларига, сўзнинг беқиёс жилваларига кўмилиб ётгандек туюладиган оддий инсоний қалб ярқ этиб кўзга ташланади. Улуғ шоир шеъриятига ана шундай оддий инсоний туйғулар ҳалқаси ила боғлангач, унинг бепоён фикрлар оламига, рамзлар дунёсига қадам ташлаш осон кечади.

Давоми учинчи саҳифада.



Лайли ва Мажнун мактабда. Мусаввир Беҳзод. Ҳирот. XV аср охири.

## ДАВР БИЛАН ҲАМҚАДАМ

***Давлатимиз раҳбари ўзининг "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласида "ҳар бири алоҳида бир олам бўлган" ёзувчи ва шоирларнинг жамиятда, хусусан, бугунги улкан ўзгаришлар даврида тутган ўрни, мавқеига юксак баҳо берар экан, ўз навбатида Ёзувчилар уюшмаси "уларнинг нафақат моддий, балки маънавий манфаатларини, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш учун бевосита масъул эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак", дея таъкидлаган эди.***

Ёзувчилар уюшмасида

Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан ўтган йили уюшма фаолиятини янада такомиллаштириш, уни нафақат ижодкорлар фаолиятини мувофиқлаштириб борувчи муассаса, балки молиявий-иқтисодий жиҳатдан қудратли бирлашмага айлантириш борасида катта миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Чунончи, уюшма қошида "Ижод" фонди ташкил этилди. Унинг қарамоғидаги поликлиника, "Дўрмон" ижод уйи қайта таъмирланди. Қўшимча бинолар қурилди. Уюшма Аппаратининг моддий-техникавий таъминоти мустаҳкамланди. Бундай ғамхўрлик ва эътиборга жавобан уюшма раҳбарияти ҳам ўз фаолият дастурини қайта кўриб чиқиб, уларни изчиллик билан амалга оширишга киришди.

Маълумки, ҳар қандай жабҳада бўлганидек адабиётда ҳам ёшларга эътибор бериш, уларнинг иқтидор-имкониятларини юзага чиқариш муваффақият гаровидир. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, адабиётимиз келажаги бўлган ёш истеъдодларга ғамхўрлик кўрсатиш уюшма фаолиятида алоҳида ўрин тутмоқда. 2010 йилнинг ноябр, декабр ойларида "Дўрмон" ижод уйида ёш ёзувчи ва шоирлар, таржимонларнинг республика семинарлари бўлиб ўтди. Ўнлаб иқтидорли ёшлар устоз адиб ва шоирлар, таржимонлар билан ижодий мулоқотда бўлдилар, сабоқ олдилар. Мазкур анъана бу йил ҳам давом эттирилади ва бундай ижодий тадбирларга энди ёш адабиётшунослар, драматурглар ҳам жалб этилади. Яқин кунларда Ғафур Ғулом номидаги нашриётда тайёрланган беш нафар ёш ижодкорнинг биринчи китоблари ҳамда кўплаб истеъдодларнинг турли жанрдаги асарларидан тартиб берилган "Кафтдаги ниҳол" альманахи босмадан чиқиш арафасида. Бундай амалий ишлар ва ижодий анжуманлар яқин йилларда ўз самарасини бериши, адабиётимиз янада иқтидорли ижодкорлар билан бойиши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва уни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мумтоз адабиёт дурдоналари ҳамда бугунги адабиётимиз дарғалари томонидан яратилган сара асарларни жаҳон адабиёти саҳнасига олиб чиқиш, бу борада эришилган ютуқлардан дунё халқларини ҳам бохабар ва баҳраманд этиш лозим.

Давоми иккинчи саҳифада.

## АДИБ ХОТИРАСИ

Янги йил руҳи, шукуҳи адабиётда ҳам ўз ифодасини топаётир. Йил бошида пухта белгилаб олинган ижодий режалар, албатта, ўз самарасини беради. 2011 йилнинг энг буюк саналаридан бири бу, шубҳасиз, Истиқлолимизнинг 20 йиллиги бўлса, яна бири Алишер Навоий бобомиз таваллудининг 570 йиллигидир. Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида: "Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир", — дея бежиз ёзмаган. Алишер Навоий ҳазратларининг таваллуд кунини мамлакатимизда кенг миқёсда нишонлаш истиқлол йилларида яхши анъанага айланди. Ушбу муборак айёмга юртимизнинг турли гўшаларида қизғин тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Истиқлол инъом этган эзгу қадриятлардан яна бири мустабид тузумнинг энг оғир даврларида ҳам ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсон қадр-қиммати, эл-юрт тақдирига жон куйдириб яшаган устоз ижодкорлар меҳнати, орзу-армонлари қадр топганидир. Ана шундай ижодкорлардан бири Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтордир. Ўзбек адабиёти ва маданиятини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун Асқад Мухтор 2003 йилда "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланган эди.

Ёзувчилар уюшмасида адиб таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб ўтказилган ижодий кечада Асқад Мухторнинг ижод йўли, қолдирган адабий мероси ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов хотира кечасини очиб, Асқад Мухтор ижодий меросининг аҳамияти, шеърияти ва насрининг ҳеч қайси ижодкорга ўхшамаган услуби, ритм-оҳанги, ёрқин тили ҳақида сўзлади. Улуғ адибнинг "Шарқ юлдузи", "Гулистон" журналлари ва "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасидаги ибратли муҳаррирлик фаолияти, устоз сифатида ёш ижодкорларга бўлган талабчанлиги ва ғамхўрлигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов, адабиётшунос олим ва адиблар Иброҳим Ғафуров, Ўткир Ҳошимов, Эркин Аъзам, Йўлдош Солижонов, Турсун Али, Шуҳрат Ризаев, Маҳмуд Саъдий ўз чиқишларида Асқад Мухторнинг "Чин юракдан", "99 миниатюра", "Карвон қўнғироғи", "Йилларим" шеърий тўпламлари, "Дарёлар туташган жойда", "Қорақалпоқ қиссаси", "Бухоронинг жин кўчалари" қиссалари, "Опа-сингиллар", "Чинор", "Аму" романлари, шунингдек, Софокл, Шекспир, Шиллер, Пушкин драматик асарларидан қилган таржималари адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилгани, адибнинг бетакрор инсоний фазилатлари хусусида сўзладилар. Асқад Мухтор бадиий маҳорати, ҳаётга интеллектуал-фалсафий нуқтаи назари ёш ижодкорлар адабий тўгаракларида атрофлича ўрганишга муносиб эканлиги ҳақида фикр билдирилди. Шоирлар устоз Асқад Мухторга бағишланган шеърларини ўқидилар.

Адибнинг ўғиллари Элдор ва Темур Мухторов ижодий кеча ташкилотчиларига миннатдорлик билдиришди.

4

## ҚАДРИЯТЛАР ТАФАККУР МАҲСУЛИ

Мулоҳаза

Аллоҳ дунёдаги барча воқеликларни инсоният онгига бўйсундирган. Аммо, баъзан шундай ҳодисалар учраб турадики, инсон онги уни изоҳлашга ожизлик қилади.

Тарихга назар ташлайлик. Ибтидоий тузум даврида қанчадан-қанча ёвуз ҳайвонларни, қудратли кучларни ўзига бўйсундирган инсон оловга сиғинарди, ов бароридан келишини сўраб, илтижо қиларди. Сўзимизнинг исботини қадимий археологик ёдгорлик, хусусан, Варахша деворлари ва Афросиёбдан топилган маросим манзараси, ов тасвири туширилган расмлардан топиш мумкин.

Ўрта палеолит даврида инсоният онгига кириб келган "илоҳий қараш" кейинчалик дастлабки диний тасаввурларнинг шаклланишига замин яратди. Тотемизм, анимизм, фетишизм каби ибтидоий дин шакллари негизида халқнинг мифик қарашлари, тасаввурлари ётади.

Сўнгги палеолит (милоддан аввалги 40-12 минг йиллар) даврида кашф этилган олов инсоният ҳаётидаги воқеликларга ўз таъсирини ўтказа бошлади. Вақт ўтиб, бу тасаввурлар мифик жараёнларда ўз аксини топган. Жумладан, оловга бўлган қарашлар акс этган урф-одатлар юзага келди. Бу урф-одатларнинг тарихий илдизлари зардўштийлик динига бориб тақалади. Милоддан аввалги I минг йилликда вужудга келган бу динда "тўрт унсур" тушунчаси мавжуд эди, яъни сув, тупроқ, ҳаво ва олов муқаддас ҳисобланарди.

Оловда турли нарсаларни куйдириш, шунингдек, инсон жасадини оловда ёқиш ҳам таъқиқланган, чунки зардўштийликда ўлим энг даҳшатли ёвузлик ҳисобланган. Бу эса зардўштийлик дини негизида ҳам мифик тасаввурлар ётади, деб хулоса чиқаришимизга асос бўлади.

Мифик жараёнлар шаклан ўзгарса-да, моҳият сақланиб қолди. Милоддан аввалги VII-VI асрларга келиб, оловга сиғиниш турли маросимлар шаклида намоён бўла бошлади. Массагетлар маликаси Тўмарис Эрон шоҳи Куруш II га қарши ҳал қилувчи жанг олдидан қуёшга илтижо қилади, олов атрофида ибодат маросимини ўтказади. Бу ўша даврда зардўштийлик динига хос "олов – муқаддас, бало-қазолардан асровчи куч" деган мифик қарашларнинг мавжудлигидан далолатдир.

Давоми иккинчи саҳифада.


## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!



Журналистика соҳасида "ОЛТИН ҚАЛАМ" VI МИЛЛИЙ МУКОФОТИ


6

### БИЛДИРИШ

Шу йил 26 январ чоршанба куни соат 15.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Онажоним — шеърият" тўгарагининг навбатдаги машғулоти бўлади. Машғулотга барча адабиёт мухлислари таклиф этилади.

Манзил: «Ўзбекистон» кўчаси, 16-А уй, 6-қават.

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.*

## ҚИЗИҚИБ ЎҚИЙМАН

Акс-садо

Кўп йиллардан бери "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"ни эрталаб дўкондан олиб ўқиб, тахлама қилиб бораман. Бирон нарса ёзсам, кўпинча газетага бераман, журналда чиққанча икки-уч ой кутгим келмайди. Вақти-вақти билан мақолаларимда ҳафталигимиз материалларига муносабат билдириб тураман. Баъзан шов-шувли, воқеа бўларли мақола, тақризлар берилади. Бундайроқ чиққан сонлари ҳам йўқ эмас.

2011 йилнинг 1-сонини ўқиб хуш кайфиятим жуда кўтарилди: мазмундор, мароқли, ўқишли сон бўлибди, шеър, ҳикоя ҳам, публицистика, адабий танқид ҳам, санъат янгиликларию юртдошларнинг тилаклари ҳам, нашрлар тақдимотию ҳазил-мутойиба ҳам бор. Юртбошимизнинг янги йил табригини — эски йил сарҳисоб қилинган, вазифа, истиқболлар белгиланган қутловини синчиклаб ўқиб, мағзини чақдим.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари, ардоқли шоирларимиз Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов "Истиқлолимизнинг илҳомбахш руҳи", "Сен давлатсан, азиз ватандош" номли эҳтиросли публицистик мақолалар билан чиқишгани, сўнгида шеър илова қилишгани мухлисларни жуда қувонтирди. "Бир замонлар тараққиётни баҳолаш учун шамчироқдан электргача етиб келдик, деган иборани қўллашар эдилар. Ҳаёт бундай қиёслардан ўзиб кетди", — деб ёзади Абдулла Орипов ва нинани ҳам бировдан қарз олишга кунинг қолмасин", дейди-да, қўлигул, қаловини топиб қор ёғдира оладиган ота-боболаримиз уқуви, ҳунарига қойил қолиб, деҳқонларимиз сувсиз дала-даштларда янтоқнинг томирига уруғ қадаб қозондай-қозондай тарвуз етиштирганини мисол келтиради. Сўз санъатимиз жаҳоннинг адабий тажрибалари қозонида қайнаб, янги изланишлар йўлидан бораётганини таъкидлаб, айни чоғда олди-қочди, бўш-баёв ҳангомалар ҳам ёзилиб, чоп этилаётганига таассуф билдиради, танқидчиликни сергакликка даъват этади. Ҳар бир одамнинг ўз маънавий озон қатлами бўлиши лозимлигини, у инсониятни дидсизлик, саёзлик, руҳий қашшоқлик ва жаҳолатдан муҳофаза қилиши зарурлигини таъкидлайди.

Эркин Воҳидов Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида қилган маърузаси жаҳон оммавий ахборот воситаларида кенг шарҳланаётгани, Ўзбекистон танлаган қадамба-қадам ислоҳотлар йўлининг тантанаси эътироф этилаётганини мамнуният билан изҳор қилади, шеърида ватандошни дўст дея яқин олиб, ислоҳот, бунёдкорлик ўз-ўзидан бунёд бўлиб қолмаслиги, бунинг учун ғайратли, жасоратли, ташаббускор, тадбиркор, фуқаролик жамиятининг фаол фуқароси бўлиш, ўзини хокисор, фақир, ожиз банда, боқиманда, мурват деб ҳисобламаслик, қаторда нор, кўзи чақноқ, қалби ўт бўлиш лозимлигини уқтиради.

Касбим, қизиқишим тақозосига кўра, публицистикага алоҳида эътибор билан қарайман, "ЎзАС", "Тафаккур" журнали ушбу соҳага жиддий эътибор бераётганидан мамнун бўламан. Янги йил сонида ҳам публицистика анча кенг ўрин эгаллаган. Абдусалом Умаровнинг "Мўъжиза" номли мўъжаз мақоласидаги "Юртбошимизнинг ғояси ва ташаббуси билан пойтахтимизнинг қоқ марказида бу атроф-жавонибда тенги йўқ китоб қасри — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг янги биноси қад ростламоқда", деган маълумоти ҳаммамизни беҳад қувонтирди.

Таниқли алломаларимиз Низомиддин Маҳмудов филологлар яхлит тил дарахтининг моҳиятини, бу дарахт остидаги бадиий-руҳий олам тилсимини англаш ва англатиш, жамият аъзоларига тилдан оқилона фойдаланиш йўриқларини ишлаб чиқиш, уларда зарофатли сўз сезгисини тарбиялашлари, Баҳодир Карим адабий-танқидий асарларининг савияси кўп ўйлантириши, ҳар жойдан бир "чўқиб" ўқиганлар асосида мақолни ёзиш қийин эмаслиги, ҳар бир мақоланинг ўзига хос услуби, композицияси, "матлаъси", "мақтаъси", "авжи"га жиддий эътибор қаратиш лозимлиги ҳақидаги мулоҳазалари маъқул ва мақбул. Шодмонқул Салом тилакномасидаги "арчани айланиб югурар умрим", "соат миллари қанотини йиғган қушдек жуфтланиб 12 га етгунча... ", "қилинмаган ишлар қордаги издай дилга ботади", деган топилдиқ образларини ўқиб, истеъдодли ёш шоир публицистикада ҳам чакки эмас экан, деган фикрга келдим.

Бойбўта Дўстқораев сўз, ибораларнинг келиб чиқиш тарихини, маъно-моҳиятини эринмай ўрганадиган, изланадиган, синчков олимлардан. Унинг "Алпомиш матнининг жилолари" мақоласида бир қанча қизиқарли маълумотлар билан танишиб, айрим халқона сўзларимизнинг келиб чиқиш этимологиясидан хабардор бўлдим.

Сирожиддин Саййиднинг "Рўзғор битиклари"да капкир чиқиллашидек қисқа, ҳазиломуз қўш сатрлари, Эркин Усмоновнинг "Эртакка айланган кеча" номли жиддий, Муротбой Низоновнинг "Қорбобонинг кампири" номли юмористик ҳикояларини ҳам қизиқиб ўқидим.

Йилнинг бошланиши шундай бўлса, иншооллоҳ, бутун йил давомида ҳам ҳар сонини эски қадрдонлардай соғинч билан кутиб оладиган нашримиз саҳифалари адабий жараённинг турфа янгиликлари, маънавий савиямизни бойитадиган теран ижод намуналари, адабий танқид дурдоналарига бой бўлади, деб умид қиламан.

**Сайди УМИРОВ,**
**ёзувчи, "Олтин қалам" мукофоти совриндори**

# ДАВР БИЛАН ҲАМҚАДАМ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Зеро, адабиёт халқимизнинг юзи, ўзлиги, айни чоғда дунё аҳли билан руҳий-маънавий бирликда яшаш учун имконият яратадиган қудратли робита, воситадир. Асарлари жаҳон миқёсида эътироф этиладиган ижодкорлар сафини ёш истеъдод эгалари тўлдириб бораётганлиги ижод аҳлига мамнуният бағишламоқда.

Ўтган йилнинг декабр ойида уюшманинг "Дўрмон" ижод уйида бўлиб ўтган Ёш таржимонларнинг 1-Республика семинар-кенгаши ўзбек адиблари яратган сара асарларни хорижий тилларга таржима қила оладиган умидбахш таржимонларни аниқлаб, уларнинг маҳоратини ошириб бориш йўлида илк қадам бўлди. Уюшма хорижий алоқаларни янги босқичга кўтаришга киришар экан, хорижий мамлакатларнинг ижодий бирлашмалари билан шаклланадиган ўзаро ҳамкорликнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, адиблар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш ва малакаларини ошириб бориш, адабий асарларни хорижий тилларга, хорижий тиллардан эса ўзбек тилига таржима қилиш, адабиётлар алмашинуви, ёш таржимонларни ғарб ва шарқ мамлакатларига ижодий сафарларга юбориш, биргаликда атоқли адибларнинг таваллуд кунларини нишонлаш, ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, халқаро китоб ярмаркаларида иштирок этиш, адиблар ўртасида ижодий ҳамкорликни кенгайтириб бориш, шубҳасиз, адабиётимизнинг халқаро мавқеини оширишга хизмат қилади.

Адабиёт соҳасида эришилган ютуқлар жаҳон китоб бозорларига дадил кириб боришимизни тақозо этмоқда. Тўғри, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Тўлапберган Қайипберганов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Эркин Аъзам, Рауф Парфи сингари таниқли ижодкорлар асарлари қатор хорижий мамлакатлар китобхонларига яхши таниш. Лекин бу етарли эмас

Бадиий таржима — алоҳида мавзу. Ўзбек тилида яратилган асарни хорижий тилга таржима қилишда назарий билимларнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бунинг учун таржимон ўз халқининг турмуш тарзи, ўзлиги, ҳаёт фалсафаси, асрлар мобайнида муҳрланиб қолган тарихий анъаналарию шарқона одатларини хорижий ўқувчига теран услубда етказа олиши лозим. Таржимон асарни қайси халқнинг тилига таржима қилса, ўша халқ орасида юриб, ҳаётини ўрганиши ва ўзаро мулоқотларда бўлиши лозимлиги тажрибада исботланган.

Уюшманинг янги йил фаолият дастурида ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллигини кенг миқёсда нишонлашга алоҳида аҳамият берилган. Зеро, бундай мутафаккир зотларнинг, адабиёт намоёндаларининг таваллуд саналарини нишонлаб бориш, уларнинг ижодий меросини кенг тарғиб этиш халқимиз маънавиятини янада юксалтиришга, хусусан, ёш авлод дунёқарашини шакллантириш, уларни юрт ва миллатга, унинг маънавияти ва қадриятларига нисбатан юксак муҳаббат руҳида тарбиялашга беқиёс хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бадиий публицистика кенгаши ўзининг навбатдаги йиғилишида истиқлолнинг 20 йиллиги муносабати билан ислоҳотлар билан жараёни кенг ва таъсирчан ёритилган бадиий-публицистик мақолалар учун танлов эълон қилиш, сара асарлар муаллифларини моддий рағбатлантириш юзасидан қарор қабул қилди. Шу билан бирга, байрам арафасида уларни китоб ҳолида чоп этиш кўзда тутилмоқда.

Ҳозирги даврда уюшма фаолият дастурида устоз адибларнинг нутқлари, маърузалари ва чиқишлари ёзилган аудио-видео дискларни тўплаб бориш ҳам кўзда тутилган. Молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётган бу ишларга ғайрат ва шижоатли ёш адибларни ҳам жалб этишга эътибор берилади. Ёш адиблар тафаккурида миллий қадрият ва Ватан туйғуларини шакллантириб бориш адабиёт келажаги учун ҳам муҳимдир.

# ҚАДРИЯТЛАР ТАФАККУР МАҲСУЛИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бизнинг илм-фан ва техника ривожланган бугунги давримизда бундай мифик қарашлар ўз аҳамиятини сақлаб қолганми? Турли чекка ҳудудларда, асосан, қишлоқларда никоҳ тўйида чимилдиққа киришдан олдин куёв келинни олов атрофидан уч маротаба айлантиради. Бу удум, айниқса, Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Қорабулоқ, Қўрғонча, Бешкалтак, Дониёршайх, Қуйи Оқбой каби чекка қишлоқларда кўзга ташланади. Бу удумларда зардўштийликдан қолган оловнинг бало-қазолардан асровчи куч эканлигини таъкидловчи қараш ўз ифодасини топган.



Шу тумандаги Балқон Қайчили қишлоғида ойна билан боғлиқ мифик тасаввурлар мавжуд. Олов атрофидан айланиш жараёнида бир ёш бола (ёш болада гуноҳ кам бўлгани учун) келин-куёвга ойна тутиб туради. Бу ҳолатни қишлоқнинг кекса отахони Баҳодир ота Тўраев кўзгу келажакдаги бахтни кўрсатади, дея изоҳлайди.

Хоразм вилоятининг Питнак туманида тўй вақтида келин-куёв чиққан автомобил келиннинг барча буюмлари ортилган ҳолда олов устидан юриб ўтар экан. Бир варақ қоғоз ёқилиб, автомобил шу олов устидан номигагина ўтади. Бу ҳолатни меҳнат фахрийси Каримжон Рўзметов олов билан боғлиқ маросимларга ҳурмат намунаси, дея тушунтирди. Деярли барча ҳудудларда олов билан боғлиқ шу каби маросимлар учраб туради.

Бундай урф-одатлар инсон тафаккурининг маҳсулидир. Демакки, унда инсон манфаати, халқнинг ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари акс этади. Бу тасаввурларда мифик руҳ устивор. Халқимизнинг ҳар бир урф-одат ёки маросимида ўзбекнинг ўзбеклиги уфуриб туради. Мифик тасаввурларда ҳам ўзбекона соддадиллик, эзгуликка интилиш туйғулари мужассам. Ота-боболаримиздан маънавий мерос бўлиб қолган мифик қарашлар ва бу қарашлар негизида вужудга келган урф-одат ва маросимларга нисбатан ҳурматимиз чексиз. Шунинг учун ҳам, бу маънавий мерос бугунги кунга келиб, ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Мифик қарашларга эзгулик ва олижаноблик каби умуминсоний ғояларни сингдирган халқимиз, маънавий қадриятлари эъзоз топаётган истиқлолимиз шарофати билан бундан кейин ҳам бу ғояларга содиқ қолишига ишончимиз комил. Неча-неча замонлар ўтса-да, ўз урф-одат ва маросимларини сақлаб келаётган халқимиз янги даврнинг янги қадриятлари билан уйғун ҳолда ҳаётига кириб келаётган янги удумларни ҳам ўз миллий хусусиятига кўра саралаб ва бойитиб бораверади.

**Музаффарбек ДУРДИЕВ,**
**ЎзМУ талабаси**

# АНТИҚА КЕЛИН ТАНЛАШ
## ёхуд совчи "маклер"лар

Никоҳ тўйи халқимизнинг энг қувончли маросимларидан бири. Ана шу маросимда оила, деб аталган муқаддас қўрғонга асос солинади. Унга тараддуд эса тўйдан анча аввал бошланади. Яъни келин танланганидан сўнг ҳар икки томоннинг бир битимга келиб, фотиҳа ўқишлари учун совчи юборилади. Ўз-ўзидан аёнки, дуч келган одамдан совчи чиқмайди. Совчилар ҳам танлаб-танлаб қўйилади. Кўп ҳолларда ёши улуғ ёки эл-улус орасида муайян обрў-эътиборга эга бўлган кишилар совчи бўлади.

Танланган совчилар ҳам дуч келган хонадоннинг эшигини қоқиб боравеpишмайди. Куёв тарафнинг яқинлари томонидан танланган, одатда, иболи, ҳаёли, ахлоқли, маълумотли ва бирор касб-ҳунарли фарзанд ўстирган хонадонларга совчи бўлиб бориш совчиларнинг ўзи учун ҳам ёқимли ва савоб юмуш ҳисобланади.

Бироқ бугунги глобаллашув даврининг кайфияти ва таъсири икки ёшнинг тақдирини бир-бирига қўшиб, муқаддас оила яратишдек энг нозик ва масъулиятли жабҳага ҳам "бош суқаётган"га ўхшайди. Илгари бир-бирини ёқтириб қолган ёшлар арзи-ҳолини турфа иболи, халқимиз менталитетига хос йўллар билан ифода этишган. Айтайлик, бир-бирларига хат жўнатишган, опа-сингил ёки холалари орқали кўнгил сўрашган, ризолик белгиси сифатида каштали дастрўмолча олишган ва ҳоказо.

Мобил телефонлари кўпайиб кеттани эса эндиликда бундай ниҳоятда гўзал удумларни ҳам ёшларимиз ҳаётидан сиқиб чиқараётганга ўхшайди. Айрим енгилтак ўсмирлар ёқтирган қизларининг телефон рақамини билиб олиб, аввалига телефондан хат жўнатишса, сўнг бунга ҳам қаноат қилмай, тўғридан-тўғри телефон орқали муҳаббат изҳор қилаётганлари қулоғимизга чалиниб турибди.

Мен айтмоқчи бўлаётган "маклер" совчилар олдида эса ҳали буларни ҳолва экан, дейсиз. "Маклер" совчилар ҳозир куёв томоннинг "буюртмаси"га кўра, қизлар таҳсил олаётган коллеж ва олий ўқув юртларига тап тортмасдан кириб келишмоқда. Танаффус бўлишини пойлаб туришади-да, аудиторияга ёпирилишади. Ажабланарли жиҳати, қизларни бирма-бир турғазиб, қадди-қомати, кўринишини томоша қилишади. Қизнинг насл-насаби, келиб чиқиши, оилавий аҳволи ҳақида уларнинг ўзидан сўраб билиш қайси мантиққа тўғри келади? "Маклер" совчиларнинг бундай сурбетлигига ҳали одатланмаган, уларга "Бор ишингни қил", дейишга қизлик ҳаёси йўл қўймай, ийманиб турган талабалар ўзини қандай тутишни билмай қийналаётганларини тасаввур этиш қийин эмас. Қайси ўзбек қизи бундай "антиқа саволлар"га жавоб бера олади? Ўйлаб қоласан, кўпинча "ёшлар, ёшлар", деймиз-у, айрим катталарнинг ўзлари ҳам ёшларнинг тобора шарттаки бўлиб қолишига йўл очмаяптиларми?

— Шахсан мен ўқишга келиб қиз боланинг ўзидан уй манзили, телефон рақами ва бошқа маълумотларни сўраб олишни маданиятсизлик, деб тушунаман, — дейди талаба Севара Усмонова. — Бу қиз боланинг шаънига, қолаверса, ота-онаси ва оиласи шаънига ҳурматсизлик.

— "Маклер" совчилар талабалар ўқиётган гуруҳга худди дўконга борган бозорчидек кириб келишади, — дейди талаба Назокат Саидова. — Гўё биз бир буюму, улар харидор. Ҳатто айримлари ёши катта ёки оиласи билан ажрашган ўғилларига ҳам ўн саккиз-йигирма ёшли қизларни танлашаётганига ҳайрон қоласиз.

Талабалар ўқиётган жойларга тап тортмай кириб келаётган воситачилар орасида аслида куёв бўлмишга ҳеч қандай қариндош бўлмаган, биров ундан ҳеч нарсани илтимос қилмаган бўлсада, қаерда қандай қиз борлиги ва улар ҳақидаги маълумотларни рўйхат қилиб юрганлар ҳам озмунча эмас. Улар маҳаллама-маҳалла кезиб, ўз хизматини таклиф қилишади ва ишни пишитишни зиммасига олиб, йигит томондан пул ҳам ундиришади. Энди шундай савол туғилади: ўша воситачи "маклер" совчилар ёрдамида қурилган оиланинг мустаҳкам бўлишига ким кафолат беради? Совчиларнинг ўзими ёки қариндош-уруғчиликни ўзлари танимайдиган етти ёт бегонага топшириб қўяётган ота-оналар? Мўмай пул топиш умидида халқимизнинг нозик туйғулари ва урф-одатлари билан ҳисоблашмай ёш талаба қизларни сўраб-суриштираётган ўша "маклер" совчиларнинг ўзларини ҳам бир суриштириб қўйиш керак эмасми? Қолаверса, коллежлар ва олий ўқув юртларининг мутасаддилари ҳам бу ҳолга бефарқ ва лоқайд қараб турмасликлари зарур, деб ўйлаймиз.

**Саидабону МАДИЁРОВА,**
**ЎзМУ журналистика**
**факултети талабаси**

Она сайёра — қўриқхона

# САҲРО КЕНГЛИКЛАРИДА

**Нормурод НОРҚОБИЛОВ**

Бепоён Қизилқумнинг бир чеккаси Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа тумани кенгликларига туташиб кетган. Саҳро қўйнига қадам қўйишингиз билан, аввало, турли дашт ўсимликлари ҳамда узоқ-яқиндаги қадимий қалъа ва қўрғон харобаларига кўзингиз тушади.

Саҳронинг кузги табиатини кузатиш ҳамда уни тасвирларга муҳрлаш учун имкон етганча бу ўзига хос чексиз "уммон" қўйнига теранроқ сингишга ҳаракат қиламиз. Саҳрода кишини чалғитувчи муваққат йўллар сероб. Муваққат дейишимиз сабаби, бетизгин қумларнинг шамолда қўзғалиши туфайли бугун ўтган йўлингни эртага тополмаслигинг мумкин. Яхшиямки саҳро ўсимликлари бор, акс ҳолда бекарор қум кўчкилари бу сарҳадсиз кенгликда не-не бебошликлар қилмайди дейсиз.

Шуни ҳам айтиш кераккки, саҳро дегани фақат қумликдан иборат эмас, ора-сира тақирликлар ҳам учрайди. Одатда, ёғингарчилик кезлари бу ерларда сув тўпланиб, кўлмаклар ҳосил бўлади. Бу кўлмаклар узоқдан худди кўлдай бўлиб кўринади ва саҳро табиатини билмаган кишини ёмон чалғитади. Бироқ қуёш йилт этиши билан улардан ном-нишон қолмайди. Бу хил ҳолат ва манзаралар саҳронинг бор бўй-бастини намоён этади.

Биз ҳали саҳро қучоғига тўла кирганимизча йўқ, унинг этагида юрардик. Шунинг учун илгарилашимиз осонроқ кечмоқда эди. Бироқ шунда ҳам дашт йўлидан четга чиқиш йўқ, четга чиқдингми, тамом — қумга тиқилиб қолиш ҳеч гап эмас. Саҳро ҳудудига кирмасимиздан буруноқ автоуловимизни кучлироғига алмаштириб олганимизга қарамасдан, кўнглимиз барибир хотиржам эмасди.

Кўз ўнгимизда чинакам саҳро қиёфаси юз очганда эса, чегарасиз бу кенглик маҳобати қаршисида беихтиёр лол туриб қоламиз. Сарҳадсизлик олдида ўзимизни ожиз ҳис этамиз. Яна бир одим, атиги бир одимгина олға боссак, саҳро кенглиги бизни ими-жимида ютиб юборадигандек туюлади.

Бу дастлабки тасаввур алдамчи, албатта. Негаки, саҳро кишини комига эмас, бағрига тортади. Саҳро ўзининг кенглиги ва кенгликка хос майин шабадаси билан аста эркалай бошлайди. Худди инсон ташрифини соғингандек, саҳро ўсимликлари ҳамда қумбарханлар ўзининг ғаройиб кўркини намойиш этишга киришади. Аммо шимолий-шарқдан бостириб келадиган Сибирнинг совуқ ҳаво оқимига кўксини қалқон қилиб, унинг кучини қирқадиган Қизилқумнинг бу қисми ҳамиша ҳам бугунгидек тинч ва сокин бўлавермайди. Боз устига, саҳро табиати азалдан саркаш, унинг бир инжиқлиги тутиб қолса борми, қочгани жой тополмай қоласан. Аммо, буни қарангки, она табиат нақадар доно, худди унинг феълини билгандай, чор-тарафга қуёнсуяк, селин, юлғун, қирқбўғин, саксовул каби турли дашт ўсимликларини сочиб ташлаган. Пировардида, бу яшил тизгинга саркаш саҳронинг бўйсинмасдан бўлак иложи йўқ. Шунинг учун ҳам дашт ўсимликлари ҳамиша асраб-авайлаб келинади. Бунинг акси бўлган ҳудудларда эса, саҳро кишилари таъбири билан айтганда, саҳро чинакамига қутуради.

Умуман олганда, саҳро табиати ўзига хос даражада гўзал ва бетакрор. Фақат бу гўзалликни сезмоқ учун саҳро табиатини севмоқ керак. Агар уни чин дилдан сева олсангиз, саҳро табиати шу қадар тусланиб, шу қадар эвриладики, буни таъриф этмоққа сўз ожизлик қилади. Бундан ташқари, саҳрода ҳафталаб юриб, бирон одам боласини учратмаслигингиз мумкин. Лекин хилма-хил дашт жониворларига ҳар қадамда дуч келасиз.

Саксовулзорда юрган мана бу жайронларга яқинлашмоқнинг қани бир иложи бўлса. Улар бизни муюлишдаёқ сезиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлишади. Қаршимиздан лапанглаб чиққан эчкиэмарни биз ўзимизча саҳро тимсоҳи деб атадик. У, табиий, тимсоҳдек йиртқич бўлмаса-да, лекин қўрқинчли турқ-тароватни билан юракка ундан кам даҳшат солмайди. У ён-бу ён чопқиллаб ўтаётган калтакесаклар эса саҳронинг елгир, ўз навбатида, анчагина айёр жонзотлари ҳисобланади. Уларнинг, айниқса, устамонлик билан қумга бекиниб олиши жудаям мароқли. Улар сизни алдашга тиришадилар. Агар бунга чоғи етмаса, тирақайлаб қочишга тушишади.

Қумда из қолдириб кетаётган илонларнинг аксарияти ўта заҳарли. Тасвирчимизни улардан бирининг ҳамласидан зўрға асраб қолдик. Яхшиямки, қўнжли пойафзалга унинг тиши ўтмайди. Аслида, илонлар одам боласидан доимо нари бўлишга интилишади. Бу судралувчи жониворлар ўз-ўзидан бирор жонзотга ҳужум қилмайди, аммо тинчини бузган жонни асло аяб ўтирмайди. Одам боласи билан тўқнаш келганда, улар ҳамиша энг мақбул йўлни — тезроққина нари кетиш чорасини қидирадилар.



Бундан ташқари, саҳрода қурт-қумурсқаларнинг ўнлаб турини учратиш мумкин. Бу митти жониворларнинг аксарият тури ўз инларини, биз ўйлаганчалик, қумда эмас, қалин қумлик остидаги тупроқ қатламида бунёд этади ва бошқа жонзотлар қаторида саҳро табиатининг муҳим бир бўлагини ташкил этади.

Саҳрода қўнғизларнинг ҳам ўнлаб тури мавжуд. Табиат бу жониворларни бир неча жуфт оёқли қилиб яратган. Бир қарашда, оёқларидан бирини йўқотиш уларга фожеа эмасдек туюлади. Йўқ, она табиат нақадар чевар, у ҳеч бир жонзотни ортиқча аъзо билан сийламаган. Бунга олти оёғидан бирини йўқотгани боис, оқсоқланиб ҳаракатланаётган қўнғизлардан бири яққол мисолдир.

Саҳрода новдаси устамонлик билан чилпиб кетилган чойчўп буталарига кўп дуч кела бошлаймиз. Аввалига буни чўпонлар иши, деб ўйладик. Қачонки, кўзимиз бута новдаларидан бирини ҳафсала билан кесаётган юмронқозиққа тушгачгина, воқеанинг тагига етгандек бўлдик. Бироқ новда бўлагини нима қилади у, бунисини аниқлаёлмадик. Чунки саҳрода киши эътиборини тортувчи ва чалғитувчи нарсалар шу қадар бисёр эдики, қайси бирини кузатишни билмай қоласиз.

Пуштиранг гулга кирган юлғунзорларни таъриф этмоққа эса сўз ожизлик қилади. Айрим ўринларда қалин чакалакзор тусини олган юлғунзорни оралаган киши ўзини бошқа бир оламга тушиб қолгандек ҳис этади. Дарвоқе, саҳро кенглигида юлғунзорларнинг жойлашини ва ҳолати турлича, яъни бир майдонда улар қуюқ ва бўлиқ. Эпкинда чайқалиб турган буталарнинг ранг-туси тоза, улардан ҳаёт нафаси уфуриб туради. Қўшни майдонда эса бу ҳолнинг тескарисини кўриш мумкин. Буталар сийрак ва нимжонроқ. Қизиқ, қуёш бир, замин бир, юлғунзорлар эса хилма-хил.

Бунинг боиси шундаки, юлғунларнинг ҳолати замин остидаги сувнинг микдорини билдиради. Саҳро кўксида эсадиган шамолнинг ўз йўли, ўз йўналиши бўлганидек, ер ости сувларининг ҳам ўз ҳаракатланиш ўзанлари мавжуд. Юлғунлар ва бошқа саҳро ўсимликларининг ҳолатига қараб, буни тусмоллаш мумкин. Қисқаси, саҳро табиатида ранг-баранглик кучли. У хилма-хилликни хуш кўради. Масалан, саҳро этакларида оппоқ гуллайдиган ғаройиб бир ўсимлик мавжуд. Уни маҳаллий кишилар "далтак" деб аташади. У чирмовиқнинг бир тури бўлиб, дарахт ва буталарга чирмашиб ўсади. Куз бошида у оппоқ момиқ пахтадек бўлиб гуллайди. Ҳар бир момиқ гулда сон-саноқсиз уруғлар жойлашган бўлиб, эпкин таъсирида улар бутун дашт бўйлаб тарқалади. Аммо ҳавога кўтарилган уруғларнинг жуда кам микдоригина тутиб кетади. Саҳро иқлими унинг кўпаймоғига кўпам изн бермайди. Чунки у табиатан зарарли ўсимлик бўлиб, чирмашган дарахт ёки бутани унмайдиган даражада сиқиб қўяди.

Умуман олганда, саҳрода, худди жониворлардек, ўсимликлар тури жуда сероб. Бу ўсимликларнинг айрим турлари саҳро табиатининг бус-бутунлигига хизмат қилса, айримлари ёввойи жониворлар учун озиқ вазифасини ўтайди. Бир сўз билан айтганда, саҳрода кераксиз ўсимликнинг ўзи йўқ. Шу боис, қадимгилар саҳро табиати билан ўйлашиб муомала қилган. Улар бекорга нобуд қилинган ҳар бир ўсимлик ортидан саҳронинг бетизгин қаҳри мўралаб турганини юракдан ҳис этишган. Шу важдан ҳам "яшил тизгин"ни мудом барқарор сақлашга ҳаракат қилиб келишган.

# Ҳиндшунослар анжумани

Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан маданият, адабиёт соҳасидаги алоқалари кўп асрлик тарихга эга. Ҳинд кинолари ҳафталиклари, ҳиндистонлик адибларнинг асарлари таржималари шундан далолатдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Ҳиндистон билан алоқаларимиз янада кенгайди. Яқинда Тошкентдаги Ҳиндистон маданият маркази билан Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳамкорликда ўтказган "Ўзбекистонда ҳиндий тилининг ўқитилиши ва уни ўқитиш муаммоллари" мавзусидаги беш кунлик семинар мазкур масалаларга бағишланди.

Унда иштирок этиш учун Ҳиндистоннинг тил ва адабиёт бўйича кўзга кўринган олимлари ташриф буюришди ва қизиқарли маърузалар билан чиқишди. Хусусан, докторлар Вимлеш Варма, Мадҳурима Кўҳлий, Нарендра Кўҳлийнинг хорижда ҳиндий тили ва адабиётини ўқитиш масалаларига бағишланган маърузалари қизиқиш билан кутиб олинди.

Ўзбек ҳиндшунослари ҳам бу анжуманда маърузалар билан чиқдилар. Хусусан, профессор О.Шоматов, доцент Т.Хўжаева, катта ўқитувчи Б.Раҳматовнинг маърузалари анжуман иштирокчиларида яхши таассурот қолдирди. Меҳмонларларда, айниқса, ҳинд адабиётидан ўзбек тилига қилинган таржималар катта қизиқиш уйғотди. Дарҳақиқат, қадимги ҳинд адабиётининг дурдоналари "Панчатантра", "Тўтинома", "Ҳитўпадеша"дан тортиб ҳозирги замон адабиётининг таниқли вакиллари — Премчанд, Хўжа Аҳмад Аббос, Кришан Чандар, Яшпал, Бхишам Саҳний, Бхагаватичаран Варма ва бошқаларнинг кўплаб сара асарлари ўзбек тилига ўгирилган, кўп нусхада чоп этилган. Премчанднинг "Қисмат", Х.Аббоснинг "Ҳиндистон фарзанди" романлари, К.Чандарнинг "Хотирамдаги чинорлар", "Дадар кўпригидаги болалар", Б.Саҳнийнинг "Даричалар" қиссалари ва ҳикоялари шулар жумласидандир.

Ўзбек адабиётининг сара асарларини хорижий тилларга ўгиришдек улкан аҳамиятга молик вазифа кун тартибида турган экан, ҳинд олимларининг таржима соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги таклифи айни муддао бўлди.

Семинарнинг якунловчи мажлиси Ҳиндистон маданият марказида бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар анжуман юқори даражада ташкил этилганлигини, ТошДШИ ва бошқа таълим масканларида ҳиндий тилини ўқитиш яхши йўлга қўйилганини қайд этишди.

**Ансориддин ИБРОҲИМОВ**

# ЁНҒИНДАН САҚЛАНИНГ!

Ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан маҳаллаларда, корхона ва таълим масканларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тушунтиришга доир ишлар олиб борилмоқда, учрашувлар ташкил этилмоқда. Аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Албатта, бу тилсиз ёв билан курашиш фақат ёнғин хавфсизлиги ходимларининг иши эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчи. "Ўз уйингни ўзинг асра", деган шиор ҳар биримизга, ҳар бир оила, корхона, муассасага таллуқлидир.



Очиқ алангадан фойдаланганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда ишлатиш ва қўлда нари-бери тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик мақсадга мувофиқ. Агар биз доимо ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоят этсак, олов бизга дўст сифатида хизмат қилади. Акс ҳолда, олов бир неча сонияда мол-мулкингиздан, ҳатто яқин кишиларингиздан ҳам айириши мумкин.

Кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар бепарволик оқибатида юзага келаётганига ишонч ҳосил қиламиз. Кўп ҳолларда фуқаролар уйларидаги электр тизимларини ўз билганларича таъмир қилмоқчи бўлишади. Баъзи уй бекаларимиз эса, овқатни ёниб турган газ плиталарида қолдиришади. Бундай ҳолатлар ёнғинга сабаб бўлаётгани сир эмас.

Биз — ёнғин хавфсизлиги ходимлари маҳалла фаоллари, хонадон эгалари, фарзандларимиз ва барчани бу борада огоҳликка чақирамиз.

**Малик ТУРСУНОВ,**
**12-ҳарбийлаштирилган**
**ёнғин хавфсизлиги**
**хизмати кичик сержанти**

Асқад МУХТОР

Яшаётган сатрлар

# ЭЛ-ЮРТ КЕРАК ЭКАН ОДАМГА



## ИНСОН

Сен кашфиёт ёлқини, оташ,
Асрий зулматларда бир ёруғ нуқта.
Барча мавжудотлар қалбингга туташ,
Бир оддий гиёҳнинг олдида тўхта.

Ариқ шилдираши, барглар шивири
Сенга жон озуғи, руҳингга дардкаш.
Гуллар билан сўраш, ҳидлаб ҳар бирин,
Капалаклар билан суҳбатлаш.

Жавоб бермасалар гапингга, майли,
Совуқ юлдузларга тикилганда гоҳ,
Билгинки, қалб кўри жонлилар туфайли,
Жонлилар жонлига доим хайрихоҳ.

## ҚАЛБИМ НОЗИКЛАШДИ

Янги йилнинг яқин оппоқ туни
Болалар орзиқиб тунни кутади.
Ўтган йили учган нафис қор учқуни
Янги йил сарҳадин бузиб ўтади.

Болалар ҳовлиқиб янги йил кутади,
Менга эса йил кузатиш — ғам:
Қилт этиб узилган битта япроқ ҳам
Нақ қалбимга тегиб ўтади...

* * *

Оқшом ястанарди кифтимизга секин
Гўёки зангори мангулик.
Ёш эдик, беҳудуд туюларди тун,
Бир-биримиздан ҳангу манг эдик.

Менга оғир эди кутилмаган бахт.
Аҳволимга боқдинг тонгдай жилмайиб
Ва баҳам кўришга рози бўлдинг, раҳмат,
Йўқса, кўтаролмай бўлардим майиб.

* * *

Чиғаноқ ичида ётаверса,
қумдан
Гавҳар туғилармиш ниҳоят...
Қуч мени маҳкамроқ,
сенинг оғушингда
Мен ҳам жавоҳирга айлансам шояд.

## НАВО

Қамишдан най қилди чўпон. Етим, ёлғиз,
Най навоси янграр йироқ-йироқда.
Шундан бери ҳар тонг кўза тутган қиз
Келадиган бўлди булоққа.

Кўп асрлар ўтди, нуради харсанглар,
Энди йўқ, албатта, дунёда чўпон.
Най ҳам чириб кетди...
Наво эса янграр
Ва қиз ҳануз келар булоққа ҳар тонг...

## СЕН КЕЛГАНДА...

Онанг кўз узолмас сенинг юзингдан,
Нурланиб ошкора ҳаяжонида.
Хотининг қувончин билдирмай, зимдан
Аразли боқади кўзгу ёнида.

Отанг шошмай турар, гўё ётсираб,
"Кел, ўғлим", деб қўл узатади.
Синглинг кўзларида ўт чақнаб, зийрак,
Сени бошдан-оёқ бир кузатади.

Келин чой қуяди дастурхон ёзиб,
Она боқиб тўймас ўғлига ҳамон.
Сингил, шаббодадек, қаёққадир ғойиб,
Ота "бисмилло" деб синдиради нон.

Жигарбандлар кутар,
ҳар бирида мазмун:
Бири — тоғ жилғаси,
Бири — қуёш меҳри,
бири — тонг жилваси,
Бири — тоғнинг ўзидай вазмин.

## ЭЛ-ЮРТ

Мен дунёда кўз очган куним
Гулдасталар келган онамга.
Туғилди, деб хурсанд бўладиган
Эл-юрт керак экан одамга.

Яшаш — бир дард, орзулар қийнар,
Дилга тушар эзгу аланга.
Сеҳри тортиб, меҳри балқиб турган
Эл-юрт керак яна одамга.

Мурғак қалбда граждан уйғонсин,
Руҳим ўтсин, десанг, боламга,
Авлодларда яшамоғинг учун
Яна эл-юрт керак одамга.

Замон зайли билан узоқларга кетсанг,
Ё саёҳат қилсанг оламга,
Кўкрагингда олиб юрадиган
Азиз эл-юрт керак одамга.

Бирдан тушса бошга мусибат,
Чидаб бўлмай қолса аламга,
Бир сўз билан қаддинг ростлайдиган
Эл-юрт керак экан одамга.

Йўлдан чалғиб, ботиб гуноҳларга
Ҳолдан тойиб йиқилсанг, ҳамда
Умрни бошқатдан бошламоқ бўлсанг,
Яна эл-юрт керак одамга.

Терингга сиғмаган пайтлар бўлади,
Омад келганида, тўйда, байрамда.
Қувончларинг ўртоқлашиш учун
Эл-юрт керак яна одамга.

Виждон ва ҳақиқат дея чолишиб,
Тушкунликдан енгилган дамда —
Олдида тиз чўкиб узр сўрашга
Она эл-юрт керак одамга.

Йўллар турфа-туман, бекат эса бир,
Армонли ер узра сўнгги қадамда
Манзилингга элтиб қўядиган
Азиз эл-юрт керак одамга.

Роберт БЁРНС, Шотландия

Жаҳон мумтоз шеъриятидан

# МУҲАББАТНИНГ ШЕВАСИ



## ЖОН АРПА ДОНИ

*Баллада*

Қадим замонда Шарқда
Яшаганди уч қирол.
Элнинг оғзида машҳур,
Шон-шуҳратга ўч қирол.

Кўринг учта номардни,
Назарини паст қилди.
Жон Арпа Дондек марднинг
Ҳаётига қасд қилди.

Шумниятлар ўч билан
Ҳукму фармон ёздилар.
Далада омоч билан
Жонга қабр қаздилар.

Кўклам, дарёда сув мўл,
Майсалар бош кўтарди.
Жон Арпа Дони дадил
Ер бағридан кўкарди.

Ёз фасли қиздирган он
Ёғий келолмас ёвуқ.
Бошоқ тортиб Арпа Дон
Ёйига жойлайди ўқ.

...Куз киргач маҳзунгина,
Ранг-рўйи сомон бўлар.
Танда қолмай мадори,
Аҳволи ёмон бўлар.

Жон Арпа Донни, афсус,
Қартайгани билинди.
Бадният душманларин
Тузоғига илинди.

Чалғи билан ўришиб,
Товонидан сўйдилар.
Боғлам-боғлам қилишиб,
Ерга ёйиб қўйдилар.

Бўктириш-чун қудуққа
Солган эдилар яна,
Сувга ҳам чўкмади Жон
Қалқиб чиқди мардона.

Шунда суякларини
Алангага отдилар.

Ловуллаган юрагин
Тегирмонда тортдилар.

Қозонга осиб Жонни,
Ўчоққа ўт қалашди.
Шароб қилиб қонини
Қадаҳларда улашди.

Бежиз эмас, ахир Жон
Ҳам мардона, ҳам ўктам.
Руҳин кўтаролган у
Кўнгли яримларнинг ҳам.

Бир қадаҳдан жонланар
Муҳаббатнинг шеваси,
Ғам-андуҳин унутар
Аскарларнинг беваси...

Мудом Арпа Дон ила
Қадаҳлар майга тўлсин!
Кўҳна шотланд ўғлонлари
Бу дунёда бор бўлсин!

## ҚИЗ ҚЎШИҒИ

Сафар олди юзимдан
Бир ўпиб суйди йигит.
Қараб қолдим изидан,
Не қилиб қўйди йигит.

Тоғ томон кетди. Туман.
Йўл ёмғирли, йўл дўлли.
Ўтинчим — оппоқ қорлар
Ёрга бўлсин ёғдули!

Тунда кезган изғирин,
Шамоллар, берманг озор.
Ухлаб туш кўрсин ширин,
Уйғонсин тинч, бахтиёр.

Соғинганда водийга
Қараб хаёллар сурсин.
Ортга чорласа-да ишқ,
Майли, у олға юрсин!

## АРПАЗОРДА

Айни ўрим чоғида
Арпа, буғдой дон яхши.
Арпазор қучоғида
Ёр-ла ўтган он яхши.

Август эди ўшанда...
Ўтиб хиёл панага,
Арпазор орасидан
Пешвоз чиқдим Аннага!

Эрта тонгдан шомгача
Ёнидан жилмай сира
Сайр этмоққа кўндирдим
Уни арпазор ичра.
Арпалар сара, бўлиқ,
Игна бордай учида.
Санчилса-да шод бўлиб,
Думалашдик ичида.

Сархуш, маст-аласт бўлдим
Муҳаббатнинг бўйидан.
Ёрдан бўсалар олдим,
Бахтли этиш ўйида.

Қизни қаттиқ қучгандим,
У бағримда тўлғонди.
Севги иқрори бўлиб,
Ёноқлар лов-лов ёнди.

Тўй-томоша, зиёфат...
Дўстдан камим бўлмаган.
Пул бўлса-да, йўқ роҳат,
Кўнглим ёлғиз, тўлмаган...

Аммо менга баридан
Ёрни қучган кун азиз.
Арпазорда у билан,
Бирга бўлган тун азиз!

*Инглиз тилидан*
*Бегойим ХОЛБЕКОВА*
*таржималари*

Қатра

# УСТОЗ

— Одамлар ҳам ҳар хил-да.

Ўртабўй, қорачадан келган, тўлароқ гавдали маҳалладош йигитнинг кўққисдан шунақа дейиши ғалати туюлди. Одамларнинг ҳар хиллиги ажабланадиган гап эмас. Лекин унинг кутилмаганда шундай дейишининг бирор сабаби бўлса керак.

— Нега унақа деяпсиз? — деб сўрадим ва жавоб кутиб унинг оғзига тикилдим.

У бошини маънодор силкиб, яна жиндай ўйланиб турди-да, ҳикоясини бошлади.

— Рустамжон синфдошим бўлади, биласиз. Отаси Собиржон муаллим — устозимиз. Мактабда бизни ўқитган. Бир куни Рустам ишхонамга келди. Нафақалар миқдори ўзгараётганини эшитганлигини, имкони бўлса отасининг пенсиясини ҳам қайта ҳисоблаганда бир қараб қўйишимни сўради. Унинг назарида нафақанинг чўғи озроқ эмиш.

Ижтимоий таъминот бўлимида ишлайман. Бунақа ишлар ҳам бўп туради. Қонун доирасидан чиқмаган ҳолда устозимизга, яна дўстимизга нафим тегса, деган умидда ҳужжатларини ўргандим. Чиндан ҳам, домланинг нафақасини ҳисоблаганда сал хатоликка йўл қўйилган экан. Аниқроғи, унинг қўшни мактабда ўриндошлик асосида ишлаб олган иш ҳақлари унутилиб қолдирилибди. Қайта ҳисоблаб кўргандим, домланинг нафақаси сал кўпроқ чиқадиган бўлди. Дарров Рустамга қўнғироқ қилдим. У менга қайта-қайта раҳмат айтиб, «Биздан нима хизмат», деб сўради. Мен ҳеч қандай «Хизмат-пизмат» йўқлигини, ўз вазифамни бажарганлигимни, фақат хатони тузатганлигимни, қолаверса, хато ҳам ўзимизники эканлигини айтиб, домлага узримизни етказиб қўйишини сўрадим.

— Гўшакни қўйиб энди ишга киришганимда яна бир ҳамқишлоғимиз кириб келди, — деб гапини давом эттирди суҳбатдошим. — У кишиниям яхши таниййсиз. Келинг, исмини айтмай қўяқолай. Топиш-тутиши ёмон эмас. Илгари анча йиллар нуфузли ташкилотларда ишлаган. Ўғил-қизларини ҳам жойлаб бўлган ҳисоб. Уч-тўрт йил илгари бир ходимнинг бошини айлантириб онасига каттагина нафақа тайинлатиб олган экан.

Ўтган йили тафтишда «миси» чиқиб қолиб, бир неча йиллик нафақасини қайтариб тўлади.

Бу одам яна нима юмуш билан келди экан, деб ўйланиб турганимда, бошлиғимизни сўради. У киши хизмат сафарида эканлигини айтдим.

— Сиз ҳам ўзимизники, — деди кейин аста. — Шу кампирни нафақасини сал кўпайтиришни иложини қилсак, деб.

— Ахир, ўтган йили...

— Ҳа, энди орадан анча вақт ўтди. У ишлар босилиб кетди. Яна қайтадан...

Мен бу номаъқул ишга аралашмаслигимни айтдим. Сал ранжигандай бўлиб чиқиб кетди.

— Шунинг учун одамлар ҳар хил, деяётган экансиз-да.

— Йўқ, гапим ҳали тугагани йўқ. Бу ёғини эшитинг. Анови нотавоннинг қилиғидан ранжиб ишдан кайтдим. Манзилга етиб «Дамас»дан тушиб кўчамизга бурилсам, ҳалиги домламиз кутиб турибди. Дарров салом бериб кўришдим.

— Ўтган куни ошнанг бир гап топиб келди. Нафақамни қайта ҳисоблаганмишсизлар?...

— Ҳа, домла. Илгари бир оз хатога йўл қўйилган экан, шуни тўғриладик. Энди пенсиянгиз кўпроқ чиқади.

Устоз жилмайди.

— Буни эшитдим. Лекин мен бир нарсани аниқлаштириб олай деб сени кутиб турувдим. Фақат, ростини айт, болам. Ростдан ҳам менинг пенсиям нотўғри ҳисобланган-у, сизлар тузатдингларми?.. Ёки ошнангнинг юзидан ўтолмай, бир балолар қилиб пенсиямни кўпайтирдиларингми?

Мен кулиб юбордим. Ҳаммаси рисоладагидей эканлигини, қилган ишимиздан ҳеч ким айб тополмаслигини айтдим.

— Гап биров айб топишида эмас, — деди домла вазминлик билан. — Қирқ йилдан ортиқ муаллимлик қилдим. Ўқувчиларимга ҳалолликдан, тўғриликдан ваъз айтдим. Узоқ йиллар пешона тери билан йиғиб-терганим орқасидан улуғ ҳаж сафарини адо этдим. Фарзандлар ҳам оёққа туриб қолишган. Хонадонимиз тинч, рўзғоримиз бут, дастурхонимиз тўкин. Пенсага жа-а қараб қолганимиз ҳам йўқ. Шунчаки, ҳамкасбларимникига қараганда сал чўғи камроқдек туюлувди, бир суриштириб кўргин, девдим-да. Амал-тақал қилиб кўпайтириб ке, деганим йўқ. Агар, ўшанақа қилиб кўпайтирган бўлсаларинг, ростини айтавер. Шунча йил ҳалқумимни пок сақлаб келдим, эндиям нопок луқмани оғизга олиб ўтирмай...

— Нималар деяпсиз, устоз. Ҳаммаси ҳалол-пок меҳнатингиз учун оладиганингиз. Мен сиз ўйлагандай ишга қўл уролмайман, биласиз-ку. Ахир, сиздан тарбия олганман.

Гапимни далиллаш учун онасининг пенсиясини оширилишини сўраб келган киши билан бўлган воқеани айтиб бердим.

— Бай-бай-бай, шунақа одамлар ҳам бор, дегин. Жуда тўғри йўл тутибсан. Ҳеч қачон унақа ишларга аралашма. Демак, сенга ишонсам бўлади-а?

— Ишонинг, устоз.

— Баракалла, — деб устоз елкамга қоқиб қўйди. Сўнг дуога қўл очди...

**Ҳабиб СИДДИҚ**

Бадиа

# Қор соғинчи

Кўз остидан осмонни кузатаман, бир текис оқимтир рангга кирган. Димоғимда қор исини туяман ва энтикаман: демак, энди албатта ёғади.

Хаёлан оқ, оппоқ зарраларга кафтимни тутаман. Қўлимга қўнган қорнинг гулнусха шаклини илғашга улгурмай у эриб кетади ва бундан худди ёш боладек ўкинаман. Кафтимга келиб тушаётган зарраларга синчиклаб кўз тикким келади. Йўқ, улар мен билан ўчакишгандек, қўлимда узоқ турмай эришда давом этади. Намиқиб қолган кафтимни ишқаб, ёғиши тезлашган қорга тикиламан. Кафтимга қўнганда илғаб қолганим — нақшинкор қор парчаларининг бари бирдек чиройлилигини ҳис қиламан. Қор осмондан тушяпти, балки у ўз шаклини юлдузлардан олгандир, деган ўй келади хаёлимга. Ахир, ҳар бир юлдуз ўзгача кўринишга, ўзгача жозибага эга, қорга улар нусха бергандир. Бетакрор кўринишга эгалиги шунданмикин уларнинг. Баҳор гулларининг турфа қиёфасига ҳам қор сабабчими? Эриб ерга сингган қор зарраларининг кўриниши дарахтларга, ўт-ўланларга, улардан эса гулларга ўтгандир, балки?

Атрофга кўз тикиб, қорнинг жозибаси барибир рангида, унинг оппоқлигида деб ўйлайман. Бу фикр илгари ҳеч кимнинг хаёлига келмагандек, ушбу ҳақиқатни кимгадир айтгим, уни бутун дунёга маълум қилиб, ҳайқиргим келади. Гўё кимдир бу борада мен билан баҳслашаётгандек, кимдир гумонсираётгандек. Барча менга қорнинг ранги қора эмас — оқ, оппоқ дейишини кўнглим сезиб турса-да, унинг ҳақиқатан оқ, оқ бўлганда ҳам ўзгача бир оқлигини кимгадир исботлагим, бу ҳақиқатга уни ишонтиргим келаётгандек бўлади. Шунда мен каби яна кимнингдир севинишини, табиатнинг бу мўъжизасидан баҳра олишини хоҳлаётганим учун вужудимда шундай истак уйғонганини пайқаб қоламан. Уларнинг шу лаҳзада мен сезиб турган бахтга шерик бўлишини истаганим учун шундай эзгу хаёлларга берилганимни англайман. Улар ёнимда йўқлигидан негадир ўзимни гуноҳкордек сезаман. Лекин қор фақат менинг бошимда ёғаётгани йўқ-ку. Атроф бепоён. Яна кимдир мен каби қор ёғишидан завқланиб, табиат инъом этаётган бахтдан сармастдир. Албатта, шундай. Кўзимни юмиб ўша одамларни кўргандек бўламан. Улар кўп, бариси шодон. Уларга ҳавасим келади. Қандай бахтли улар.

Қор ҳамон ёғмоқда.

Барака ёғяпти, дерди раҳматли бувам қор ёққан палла ўзидан ўн марта кичик эвараси — мени далаларга етаклаб. Ёши юзга яқинлашиб қолган бўлса-да, ёқасиз, кўкраги очиқ яктакда эканлиги этимни жунжиктирарди.

— Саратоннинг офтобини, чилланинг шамолини кўкраги кўрган эр киши ҳеч вақт шамолламайди, — дерди бобом фикримни уққандек, айни чоғда қулоқчинимни бостириб, йўғон шарфга ўралиб олганимдан ҳам завқланиб, ҳам ўкиниб.
– Ойинг намунча иссиқ кийинтирмаса сени. Бунақада шамоллаб қоласан-ку.

Бувамнинг чайир гавдаси яна бир муддат нигоҳимдан кетмай турди. Лекин оқлик либосига бурканаётган борлиқ кўзимда қайта тикланиб бораркан, унинг нимасидир бувамга жуда-жуда ўхшашлиги мени ҳушёр тортгирандек бўлди. Энди анча қалинлашиб қолган қорга боқдим. Бувамнинг сўзлари, ниятлари, насиҳатлари, дуолари ҳақиқатан қордек оқ эди. Нигоҳим уфққа қадалди. Бувамнинг кўнгли, ҳатто гоҳида ноҳақликни кўриб қизишиб кетадиган феъли ҳам мана шу бепоён далалар каби кенг эди.

Эгнимга қарадим. Кўзим бўйнимдаги шарфга тушди. Гўё томоғимни бўғгандек эди-ю. Шашт билан тортиб олдим. Тугмаларини бўшатдим. Кўксимга намхуш ҳаво урилди, сергак тортдим. Бундай ҳузурни анча вақтдан буён ҳис қилмагандим. Негадир бувамга жуда-жуда ўхшагим келди, ёши юздан ошган бувамга.

Борликда эса соғинтирган қор иси кезарди...

* * *

Кун илиқ, ёғаётган қор кўча, йўлакларда эриб қолаётган бўлса-да, хиёбон ўриндиқларида, ҳовли деворлари ва дарахт новдаларида ўзини намоён қила бошлади. Бироз вақт ўтиб кўчалар ҳам қаршилик кўрсатолмай қолди. Майдалаб ёғаётган қорнинг шашти баланд эди, йўлакда босилаётган қадам излари яққол кўзга ташлана бошлади.

Қорни анчадан буён илҳақлик билан кутаётган одамлар чеҳрасида ўзгача бир шодлик, кўзларида, ҳатто юриш-туришида ҳам кучли ҳаяжон сезилади. Уларнинг бу ҳолати узоқ вақт соғинтирган одамнинг ногаҳон эшик қоқиб кириб келишини эслатади. Мен ҳам ўзимда шундай ҳолатни туйдим. Қорга бурканиб бораётган борлиқ бутун тасаввуримни қоплаб олади. Ўзимни оппоқ қорнинг устига отгим, қувончимни бола каби қийқириб намойиш этгим келди. Хаёлан қор устида умбалоқ ошдим. Қиш қувончини бола каби ҳис қилганимдан ён-атрофимдаги кишиларга ҳам шу ҳиссиёт эшлиги кўриниб тургандек эди. Чунки уларнинг хавотир ва безовталикни буткул унутган чеҳраларида, юлдузларнинг учқунлари порлаб турган нигоҳларида фақат узоқ куттирган қор тақдим этган севинч балқирди. Беихтиёр эгилиб кафтимни тўлдириб қор олдим. Энтикиб уни лабларимга тегиздим ва жуда-жуда антиқа бир таъмни сездим. Ноннинг мазаси. Нега у бунчалик ширин эканлиги шунча ёшга кириб, энди-энди менга аён бўлаётгандек эди.



Мен ҳаракатларимни яна бир киши қайтараётганини кўрдим. Унинг бу ишидан ажабланмадим. Аксинча, хаёлимга узоқ йиллар олдин бобомнинг эрта баҳорда мени эргаштириб далага олиб чиққани келди. Қиши билан қордан тўйинган заминдан буғ кўтариларди. Бобом ерга эгилиб кафтини тўлдириб тупроқ олганди. Қўлини юзига элтиб, тупроқни тўйиб ҳидларкан:

— Йил баракали келади, — деганди энтикиб.

Мен қўлимда тутиб турган оппоқ қорданми ёки бобомни эслаганим учунми энтикиб кетаётган эдим.

**Хуршид НУРИЛЛАЕВ**

Алишер Навоий — 570

# НАВОИЙ НАВОСИ — МИЛЛИЙ РУҲ ДАВОСИ

Зайниддин Маҳмуд Восифий (1485 Ҳирот – 1566 Тошкент) ўзининг "Бадоеъ ул-вақоеъ" асарида шундай бир воқеани келтиради: "Навоий ҳаёт вақтида унинг:

**Дин офати бир муғбачаи моҳи лиқодур,**
**майхораву бебок,**
**Ким ишқидин онинг ватаним**
**дейди фанодир, сармасту ёқом чок, —**

матлаъли мустазодига Абдулло Марварид деган бастакор бир куй яратган. У вақтларда Ҳиротда бу куй чалинмайдиган уй йўқ эди. Бир базмда ҳофизлар шу мустазодни айтаётганларида мажлис аҳли ўз ёқаларини йиртганлар". Яъни таъсири ўта кучли бўлган. Навоий ғазалларига куй басталаган илк бастакорлар Юсуф Бурҳон ва Абдулло Марварид бўлган бўлсалар, бу бастакорлар силсиласи асрлар оша, бизнинг кунгача давом этиб, ҳозирда Абдуҳошим Исмоилов, Маҳмуджон Тожибоев ва яна қанча иқтидорли бастакорлар Навоий сўзларига куй басталаш шарафига мушарраф бўлмоқдалар. Неча юз йиллар ўтса ҳам Ҳазрати Алишер Навоий сўзлари билан айтиладиган ашулалар замонавий тингловчиларга янада кучли таъсир этиб келмоқда.

Ҳазрат Алишер Навоий мусиқада ҳам тенгсиз сиймо бўлган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома"да, Зайниддин Маҳмуд Восифий "Бадоеъ ул-вақоеъ"да, Муҳаммад Мирхонд "Равзат ус-сафо"да, Ғиёсиддин Хондамир "Макорим ул-ахлоқ" ва Зайнулобиддин Ҳусайний "Қонун"да Алишер Навоийни улуғ мусиқашунос сифатида таърифлайдилар. Алишер Навоий ўзбек мусиқа маданияти ривожига, оғзаки анъанадаги ўзбек мусиқаси тараққиётига беқиёс улуш қўшган улкан санъаткор эканлиги ҳақида ўзбек мусиқасининг билимдонлари Абдурауф Фитрат ва Исҳоқ Ражабовнинг тадқиқотларида кўплаб далиллар бор.

Ҳазрат Алишер Навоий ҳунарманддан яхши сўзини, муҳтож бўлса зарини аямас, жумладан, созанда, хонанда, бастакорларга ҳомий, мураббий, муршид бўлган. Бу ҳақда Бобур шундай ёзади: "Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эрмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад, Шайхи Ноий ва Ҳусайн Уддийким, созда саромат эдилар. Бекнинг тарбият ва тақвияти билан мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар". Мусиқа илмида Алишер Навоийнинг устози Юсуф Бурҳон ва Абдулло Марварид каби мусиқачи-бастакорлар ҳам шоир томонидан қўллаб-қувватлаб турилган. Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"да Паҳлавон Муҳаммад, Абдулвафоий Хоразмий, Ҳофиз Шарбатий, Камолиддин Уддий каби мусиқада ҳам ўз иқтидорларини намоён этган ўнлаб фозилларга хайрихоҳ бўлганини билдиради.

Алишер Навоийнинг ўзлари ҳам мусиқа амалиётида ижод этганлари баъзи манбаларда ёзилади. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома"да шундай ёзади: "(Алишербек) яна мусиқийда яхши нималар боғлабдур. Яхши нақшлари ва пешравлари бордир". Ҳам вокал мусиқа (нақш), ҳам чолғу мусиқа (пешрав) бўйича куйлар яратган, деб таъкидланаётган Алишер Навоийнинг мусиқа асарларидан баъзилари бизнинг давргача етиб келган, деган тахмин бор. Жумладан, Абдурауф Фитрат "Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи" китобида "Қари Наво" куйи ҳақида ёзади: "Бу куйнинг жуда эски бир куй экани ҳар томонда сўйланиб турур. Эшитганимизга кўра Фарғонада ҳам "Қари Навоий" исмли эски бир куй бор. Тошкент мусиқачилари бу куйни "Қари Наво" дерлар. Бироқ бу исм янглишдир. Алар шул "Қари Навоий" исмини бузиб олғанлар. Бухоронинг эски мусиқашунослари орасида бу куйни Навоий асари бўлғони сўйланадир. Мана шу маълумотлардан сўнг "Қари Навоий" куйининг Алишер Навоий асари бўлғани эҳтимоли кучланиб қоладир."

Хулоса шуки, Тошкентда "Қари Наво" деб аталадиган куйни Алишер Навоий яратган бўлиши керак. Алишер Навоий замондошларининг гувоҳлик беришича, ҳазрат миллий чолғуларни яхши билганлар. Хондамирнинг ёзишича, ҳазратнинг ўзлари "қонуну удда зўр таълим олганлар. Бинобарин, созанда аҳлининг кўпчилиги ҳамиша олийҳазратнинг мулозаматида бўладилар". Навоий тутган олий мақом, мусиқадаги чуқур билим у зотга буюк мусиқачи устодлар ва истеъдодли мусиқачи талабаларнинг талпинишига, шогирд тушишига сабаб бўлди. Кўпгина мусиқий рисолалар муаллифлари ўз асарларини, Хондамирнинг "Мукорим ул-ахлоқ" асарида айтилганидек, "Навоийнинг кутубхонасида ва Навоий томонидан ҳар жиҳатдан таъминланган ҳолда" ёзганлар. Бу жиҳатдан Биноий ҳам Навоийга шогирддир. Заҳириддин Бобурнинг ёзишича, "Мавлоно Биноий ...бурунлар мусиқийдин бехабар экандир, бу жиҳаттин Алишербек таън қилур экандур. Бир йил Мирзо (Султон Ҳусайн Бойқаро) Марвға қишлай борғанда Алишербек ҳам борур. Биноий Ҳирийда қолур. У қиш мусиқий машқ қилур, ёзгача онча бўлурким, ишлар боғлар. Ёз Мирзо Ҳирий келганда савт ва нақш ўткарур. Алишербек таажжуб қилиб, таҳсин қилур". Сўнг Алишер Навоий маслаҳати билан "Мавлоно Биноий дағи бу фанда рисолалар битдилар." Биноийнинг мусиқашунослик борасидаги ютуқларини Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" ва "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да олқишлайди. "Закийларга яширин қолмасинки, ёзувчиларнинг касод моллари бу шарофатли замонда фазилатли Амирнинг (Алишер Навоийнинг) илтифотлари соясида тўлиқ қимматга эга бўлиб, ул ҳазратнинг ном-шарафларига бағишланган балоғат нишонали китоблар, фасоҳатли таснифлар юзага чиқди." Бу "балоғат нишонли китоблар ва фасоҳатли таснифлар" қаторига, Навоий мусиқачиларнинг "назарий маълумотини орттирмоқ учун тўрт буюк устозга тўртта мусиқий рисола ёздиргани, рисолаларни фанн-и таълим ёғидан ярарлиқ топмағани учун, энг сўнг Мулло Жомийдан сўраб, бешинчи рисола ёздирғанини хабар беради."

Бундан ташқари, Зайнулобиддин Ҳусайний ўзининг машҳур "Қонуни илмий ва амалий мусиқий" номли асарини ҳам Алишер Навоий раҳнамолигида яратган. Хондамир Алишер Навоий илтифоти билан яратилган мусиқа рисолалари рўйхатига Маҳмудийнинг "Рисола дар илми мусиқий"сини ҳам киритади. Навоийнинг тоғаси Муҳаммадали Ғарибий ўз даврининг машҳур мусиқашуносларидан бўлган, ҳазратга таяниб мусиқий рисола тузган, деган гаплар юради.

Алишер Навоий раҳбарлигида, ҳомийлигида ёки даъвати билан яратилган, бизга маълум мусиқа илмига оид рисолалар қуйидагилардир: Абдураҳмон Жомийнинг "Рисолаи мусиқий"; Зайнулобиддин Ҳусайнийнинг "Қонуни илмий ва амалий мусиқий"; Камолиддин Биноийнинг "Рисола дар мусиқий"; Мир Муртознинг "Рисолаи мусиқий"; Абу Алишоҳ Бўканинг "Аслул васл"; Шаҳобиддин Абдулло Марвариднинг "Рисолаи мусиқий"; Маҳмудийнинг "Рисола дар илми мусиқий".

Алишер Навоий раҳбарлигида ёки раҳнамолигида яратилган мусиқий рисолаларнинг муқаддимасида ҳазратга мадҳия ёки сулукатини улуғловчи мақтовлар бор. Масалан, Биноий "Рисола дар мусиқий"да, Ҳусайний "Қонуни илмий ва амалий мусиқий"да Навоийнинг лутфу саховати, илму заковати, иймону эътиқодини улуғлаб шеърий мадҳиялар бағишлаган бўлсалар, Жомий "Рисолаи мусиқий"да "Ҳурматли, мукаррам, азиз дўст (Алишер Навоий) даъвати" билан бу асарини ёзмоққа киришганини ва "шу важдан ушбу назмни" келтиришини айтади:

**Нафс, тан, илму жон бердинг худованд,**
**Жонларни танлар билан қилиб пайванд.**
**Агар айтувчи бепарво деса "тан, тан",**
**Кўйида ушбу танлар айри жондан.**
**Тани бежонга жой хок бўлгани яхши,**
**Тириклар улардан пок бўлгани яхши.**

Зайниддин Восифий қайд этадики, "Олийҳазрат амир Алишер мусиқа илмида ҳам шу қадар маҳорат ҳосил қилган эдиларки, агар муаллими соний Абу Наср Форобий ҳаёт бўлганларида унга шогирдлик сирғасини қулоғига тақиб оларди." Абдурауф Фитрат ёзади: "Навоийнинг ўзи ҳам мусиқийда бир рисола ёзғон, деб сўйланмакдир".

Афсуски, Алишер Навоийнинг мусиқий рисоласи ҳали топилгани йўқ. Аммо ҳазратнинг адабий-бадиий ва адабий-илмий меросини ўрганар эканмиз, кўз олдимизда улуғ шоир, буюк мутафаккир ва улкан мусиқашунос сиймоси гавдаланади. Чунки унинг мазкур асарларида мусиқа назарияси ва амалиётига оид турли масалалар кенг, атрофлича ёритилган, ўн икки мақом тизими даврлари, мусиқий чолғулар таснифи ва таърифи ўз аксини топган. Алишер Навоий Абу Наср Форобий ва Абу Али ибн Сино илмий-мусиқий қарашларини ривожлантириб, мусиқа илмини ўрганишни асосан икки қисмга бўлади: илми таълиф (композиция илми – мусиқий товушлар-нағмалар тузилишини ўрганувчи фан) ва илми ийқо (мусиқий ритм). Адабий ва илмий асарлари қудрати ва қуввати туфайли мумтоз мусиқамиз оҳангларига ҳам янгича бир жило, янгича бир наво ато этган Алишер Навоий ўзини "бир банда, фақири хокисор, хониваши беэътибор" билган, барча хайрли, савобли ишларини беминнат адо этган. Асҳобу ақрабога, ўқувчиларига – сизу бизга ҳазратнинг дуолари ва фақат бир илтижолари бўлган:

**Ким ўқуса, ё қилур эрса савод,**
**Руҳим агар қилса дуо бирла шод,**
**Тенгри ишин кому мурод айласун,**
**Руҳини жаннат аро шод айласун.**

Навоий наволари авлодлари қалбида соғлом миллий руҳ тарбиясига хизмат қилмоқда.

**Зокиржон ОРИПОВ**

Халқ амалий санъати

# ЁҒОЧ МЎЪЖИЗАСИ

Ёғоч ўймакорлиги Ўзбекистонда қадим замонлардан буён шаклланиб келаётган миллий ҳунармандчилик турларидан биридир. Бу санъат нақшларга бойлиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Қадимдан бинолар ва бошқа қурилишларнинг шифти, карнизи, устун, дераза ва эшиклари ёғоч ўймакорлиги асосида безатилган. Бунда хомашё сифатида чинор, терак, ёнғоқ, арча, тут ва бошқа маҳаллий дарахт турлари ишлатилади. Археологларнинг топилмаларига қараганда, Ўзбекистонда VII асрдан буён ёғоч ўймакорлиги мавжуд. Ўзбекистон давлат тарих музейида Жумалактепа қасридан топилган VI асрга оид ёғочдан ишланган эркак ҳайкали ва суратларни кўриш мумкин. Самарқанд давлат маданият ва санъат музейида Зарафшон тепалигидан топилган ёғоч ўймакорлигида ишланган панно бебаҳо архитектура бойлиги сифатида сақланади. Ёғоч устунда бир-бирига қаратилган илонга ўхшаш жонзот акс эттирилган. Архитектура иншоотлари ёғоч ўймакорлигида ишланган панжаралар, устунлар ва эшиклар билан безатилган.



Бизгача етиб келган энг қадимги ёдгорликлардан бири Обурдон қишлоғидан топилган IX-X асрга оид ёғоч устун бўлиб, ҳозирда Ўзбекистон давлат тарих музейида сақланади. Устуннинг баъзи жойларига шикаст етган бўлса ҳам ўсимликсимон нақшлар ва учар қушлар тасвири ўз жозибасини йўқотмаган. Бу қадимги ёғочдан ишланган ажойиб устуннинг нақш безаклари Қоҳирада топилган ёғоч паннонинг нақшларига ўхшаб кетади. Лекин Обурдон қишлоғидан топилган ёғоч устундаги нақшлар мураккаблиги, ҳусндорлиги ва безакларга бойлиги билан ажралиб туради.

Тарих музейи биносида эман дарахтидан халқ амалий санъатининг ёғоч ўймакорлиги анъаналарида ишланган кириш эшиклари жойлашган. Бу эшиклар қўқонлик уста Қодиржон Ҳайдаров томонидан ишланган бўлиб, нақшлари ва безаклари Хива услубига мансуб. Инсон қўли билан яралган гўзалликлардан бири Хивадаги Жума масжиди биносида сақланиб қолган. Масжиднинг ёғочдан ишланган шифтини тўрт-беш метрли 212 та устун ушлаб туради. Бинонинг ичига ёруғлик кириши учун атайлаб ёғочдан панжара шаклида дераза ўрнатилган. Устунлар ўсимлик ва геометрик нақшлар билан безатилган. Баъзи устунларга араб имлосидаги ёзувлар ўйиб туширилган. Ҳар бир устун ўзига хослиги билан ажаралиб туради. Биргаликда эса улар ёғоч ўймакорлиги санъатининг нақадар бой ва жозибадор эканлигини кўз-кўз қилади.

Ёғоч ўймакорлигининг бетакрор намуналари Самарқанддаги Гўри-Амир ва Шоҳизинда мақбараларининг эшикларида ҳам намоён бўлган. Қўқонлик уста Қодиржон Ҳайдаров ясаган эшиклар, мебеллар, ёғоч устун ва бошқа жиҳозлардаги нақшлар ҳануз ўз жозибаси билан кишиларни ҳайратга солиб келмоқда. Ҳунармандчиликнинг бу туридан уй-рўзғор буюмлари ясалишида ҳам фойдаланилади. Жумладан, китоблар учун лавҳлар, шкафлар, қутичалар, хонтахталар, ўриндиқлар ва турли-туман мусиқа асбоблари ҳам ўймакорлик нақшлари билан безатилади. Ёғоч ўймакорлигида учта — паргори, ислимий, бағдодий услуби бор. Паргори услубида циркул ва чизғич ёрдамида геометрик нақшлар ўйилади. Ислимий услубда ўсимликсимон нақшлар, бағдодий услубида эса геометрик нақшлар ишлатилади. Паргори услубини кўпроқ уста Сулаймон Хўжаев ишларида кўриш мумкин. Ислимий услуби эса унинг шогирди Мақсуд Қосимов ижодига хос. У ёғоч ўймакорлигини панжараларда илк бор қўллаган устадир.

Ҳозирги кунда ёғоч ўймакорлиги усталари Абдуғани Абдуллаев, Ортиқ Файзуллаев, Анвар ва Йўлдош Азларов, Сирожиддин Раҳматуллаев ва бошқалар асосан қадимги усталар анъанасини давом эттириб келмоқдалар. Ёғочга нақшларни ўйиш санъати усталарнинг фидойи меҳнатлари туфайли йилдан-йилга мукаммаллашиб бормоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида жуда кўп замонавий бинолар қурилди, тарихий ёдгорликлар қайта таъмирланди. Ёғоч ўймакорлиги санъатига жиддий эътибор берилиб, нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам катта шуҳрат қозонди. Моҳир усталаримиз қадимий меъморий шарафалар, ёғоч ўймакорлигининг юксак намуналаридан бўлган муқарнас ва ҳавозакларни замонавий биноларда қўлламоқдалар, гумбаз ости ва ганч безагининг қадимий ироқи усулини қайта тикладилар. "Қатағон курбонлари хотираси" музейига ўрнатилган икки табақали ёғоч эшик, устунли айвонлар ўймакорликнинг энг нафис усулида ишланган. Имом ал-Бухорий мажмуаси айвон нақшлари ҳам зиёратчиларни ўзига жалб этиб, ёғочнинг жилоланиши ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Шунинг учун бўлса керакки, зиёратчиларнинг аксарияти мазкур айвонда суратга тушмасдан кетмайдилар.

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон маданияти ва санъати" кўргазмаси галереяси, "Миллий санъат галереяси", Ҳазрати Имом, Самарқанддаги Имом ал-Бухорий, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд тарихий мажмуалари ва бошқа биноларнинг устунли айвонлари, эшиклари, панжарали деразалар ва турли буюмлардаги ёғоч ўймакорлигининг энг охирги урфдаги безаклари томошабинлар кўзини қувонтириб, олам-олам завқ бағишлайди. Ёғоч ўймакорлигида ишлаш кўп вақтни, сабр ва меҳнатни талаб этса-да, кўплаб ёшларимиз бу ҳунарни катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Фидойи усталар ва изланувчан ёшларимиз бор экан, ёғоч ўймакорлигидек миллий санъатимиз намунаси асрлар оша яшашига, миллий анъаналаримиз давом этишига ишонамиз.

**Лариса ЛЕВТЕЕВА,**
**санъатшунос**

# ЎЗБЕК ДОРБОЗЛАРИ — "ОЛТИН КОЛИЗЕЙ" СОҲИБИ



Ўзбек томоша санъати бой ўтмишга эга. Ўзбек дорбозлари сулолалари орасида Тошкенбоевларнинг ўзига хос ўрни бор. Бир юз эллик йилдан буён бу оила вакиллари миллий дорбозлик анъаналарини давом эттириб келмоқда. Сулола асосчиси Эгамберди ота XIX асрнинг 50-йилларида Арабистонда дорбозлик санъатини ўрганади ва халқ орасида Ҳожи дорбоз номи билан танилади. Унинг ўғли – Ўзбекистон халқ артисти Тошкенбой Эгамбердиев ўз даврида дорбозлик томошалари билан кўплаб мамлакатларни кезиб чиққан.

Мурод ва Тоҳир Тошкенбоевлар сулоланинг бешинчи, Беҳзод ва Жамшид олтинчи авлоди ҳисобланади. Улар ёшлик чоғларидаёқ ота касбига меҳр қўйишди ва оилавий анъанани давом эттириб, дорбозлик сирларини пухта эгаллашга муваффақ бўлишди.

Бугун Тошкенбоевлар оиласи аъзолари асосида тузилган гуруҳ халқаро майдонда ўзбек цирк санъатини шарафлаб келмоқда. Уларнинг чиқишлари Россия, Украина, Белорусия, Молдова, Қозоғистон, Корея, Хитой каби мамлакатларда катта эътирофга сазовор бўлди. 2007 йили Беҳзод Жанубий Кореяда ўтказилган Бутунжаҳон дорбозлар чемпионатида кучли бешликдан жой олган бўлса, 2009 йили Пекинда бўлиб ўтган XII халқаро цирк фестивалида ўзбек дорбозлари фахрли учинчи ўринни қўлга киритишди ва "Бронза шер" соврини билан мукофотланишди.

Яқинда эса Италияда бўлиб ўтган "Римнинг олтин цирки" 27-халқаро цирк фестивалида Мурод Тошкенбоев бошчилигидаги "Ўзбек дорбозлари" гуруҳи фестивалнинг юксак соврини — "Олтин Колизей" билан тақдирланди.

Фестивалда дунёнинг энг моҳир цирк усталари иштирок этди. Улар орасида Мелиа Пхилппот (Франция), Андрей Цаплин, Александр Краснопольский (Россия), Жулио Ланзафаме (Италия) каби соҳанинг таниқли вакиллари бор эди. Кучли рақобатга қарамай, дорбозларимизнинг чиқишлари фестивал ҳайъат аъзолари томонидан юксак баҳога лойиқ топилди. Баланд дорда, муҳофаза арқонисиз юқори маҳорат ва ҳайратланарли эпчиллик билан бажарилган машқлар томошабинларда ёрқин таассурот қолдирди. Ўзбек дорбозлари фестивал кашфиётига айланишди.



Бу ютуқ ўзбек цирк усталари келажакда эришажак ғалабалар дебочаси эканига ишонамиз.

**Пўлат ТОШКЕНБОЕВ**

Куюнчак газетхондан мактуб

# ТАРҒИБОТДА ХОЛИСЛИК ЗАРУР

Давримизнинг тезкор жараёнлари шуни бот-бот исботламоқдаки, санъатнинг ҳар қандай тури оммавий ахборот воситалари, хусусан телевидениенинг кенг тарғиботига муҳтож. Бу, айниқса, кино ва театр соҳасида жуда муҳим аҳамиятга эга. Замонавий тилда буни реклама деб аташга ўрганиб қолганмиз. Бироқ тарғиботни рекламанинг бир кўриниши деб тушуниш нотўғри. Улар бажарадиган вазифалар кўп жиҳатдан муштарак бўлса-да, реклама ижодкорларнинг хоҳишига кўра яратилади, тарғибот эса аксинча, соҳа мутахассисларининг таҳлилий муносабати асосида юзага келади. Айнан шу сабабли ҳам рекламада ҳеч қачон танқидий фикр билдирилмайди.

Кўп вақтлардан бери мени бир савол қийнайди. Бугун яратилаётган ҳар қандай филм ёки спектаклни телевидение орқали тарғиб қилиш мумкинми? Назаримда, йўқ. Миллионлаб одамлар томоша қилувчи ойнаи жаҳонда фақатгина юқори савияли санъат намуналари ташвиқ қилиниши лозим. Тўғри, ҳақиқий санъат асарлари ҳар куни яратилавермайди. Шунга қарамай, бу жараёнда маълум меъёрларни ҳисобга олиш ва холис тарғибот билан шуғулланиш санъатшунос журналистнинг бурчи ҳисобланади.

Эндиликда бир вақтнинг ўзида учта давлат телеканалида кино ва театр масалаларининг ёритилиши таҳсинга сазовор. Биз "Кинотеатр", "Киномания", "Кинотақдим" каби дастурларнинг кўпайиши тарафдоримиз. Бироқ сўнгги вақтларда бу дастурларда баъзи муаммо ва нуқсонлар кўзга ташланмоқда. Телевидениенинг мазкур дастурларини мунтазам кузатиб борувчи мухлислар уларда талаффуз ва услуб ўхшашлигини сезиб олишлари қийин эмас. Ҳар учала дастур ҳам кино ва театр соҳасининг фаол тарғиботи билан шуғулланади. Аммо бир жиҳат бизни ҳайрон қолдиради. Мутахассислар ва мухлислар томонидан қандай баҳо олишидан қатъий назар, бу дастурларда намойиш қилинган барча спектакл ва филмлар ҳақида ижобий фикр билдирилмоқда. Таҳлилий муносабатлар айтилмайди. Бу дастурларда режиссёрнинг ўрни ҳам сезилмайди. Актёрлик ижроси паст бўлган асарларга ҳам юқори муносабат билдирилади.

Сирасини айтганда, бу дастурларда "фалон жойда, фалончилар томонидан бир асар яратилибди" деган хабардан ортиқ янгилик йўқ. Санъат асарининг таҳлилига келганда "ажойиб", "долзарб", "умуминсоний" каби сўзлардан четга чиқилмайди. Тўғри, дастур ижодкорларидан мураккаб, чуқур таҳлилни талаб қилиш ҳам тўғри эмас. Негаки, филм ёки спектаклни бошдан-оёқ таҳлил қилиш уларнинг вазифасига кирмайди. Шунга қарамай, санъат тарғиботи билан шуғулланувчи журналист ижодкорлик хусусиятига ҳам эга бўлиши шарт. У аввало санъат асарини ҳис қила билиши, унда кўтарилган ғояни тўғри англаб етиши зарур. Ўзи ҳайратга тушмаган журналист томошабинларни ҳам ҳайратга сололмайди.

"Кинотеатр" дастури телевидениенинг ҳам кино, ҳам театр фаолиятини ёритади. Шунга қарамай, "Кинотеатр" фаолиятида кишини ўйлантирадиган ҳолатлар кам эмас. Масалан, 2010 йилнинг декабр ойида Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида тақдимоти бўлиб ўтган "Матонат" спектаклини олайлик. Муҳокама жараёнида спектакл юзасидан кўплаб баҳс-мунозаралар юзага келди. Аммо бир неча кун ўтар-ўтмас "Кинотеатр" дастурида бу спектакл ҳақида ижобий фикр ва мақтовлар билдирилган репортаж намойиш этилди.

"Киномания" дастури ҳам бир қарашда ўзига хос йўналишга эга муаллифлик ғоясига ўхшаса-да, ташқи эффектлар, жимжимадор жумлаларга керагидан ортиқ эътибор бериб юборилади. Бошловчилар кўпинча томошабин диққатини филмга эмас, ўзларининг ташқи кўринишига қаратишга ҳаракат қилишади. Бирор-бир филм ҳақида фикр билдирилганда асар ижодкорлари ва оддий томошабинлар муносабати билан чекланилади. Киношунос мутахассислар фикрига мурожаат қилинмайди.

"Кинотақдим" ижодкорлари ҳам мутахассислар фикрини деярли ўрганишмайди. Дастурни тайёрлашда қолип бўлиб қолган изоҳлардан кўп фойдаланилади. Яна бир қизиқ ҳолат: "Кинотақдим"нинг бир неча йил аввалги кўриниши билан ҳозиргиси орасида деярли фарқ сезилмайди.

Тарғибот масаласида бошқа муаммолар ҳам мавжуд. Айтайлик, юқорида тилга олинган дастурларда давлат буюртмасига асосан яратилган филмлар кўнгилдагидек тарғиб қилинмайди. Вилоят театрлари фаолияти эса эътибордан четда. Аксарият дастурларда танқидий муносабат етишмайди. Бошловчиларнинг кино ва театр соҳасида мустақил фикри сезилмайди. Бу эса ўз ўрнида, тарғиботда холислик мезонлари бузилишига олиб келади. Дастур ижодкорлари бу ҳақда ўйлаб кўрадилар, деган умиддамиз.

**Алия ТУЛЕМБАЕВА,**
**Санъат институти талабаси**

# Маданий ҳаёт

Пойтахтимизда болалар ўртасида Янги йилга бағишланган шахмат мусобақалари якунланди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятидан икки юзга яқин ўсмир иштирок этди. Мусобақа икки гуруҳда ўтказилди. Ҳар иккала гуруҳда ҳам болалар жуда фаол ҳаракат қилдилар.

Турнир натижаларига кўра "А" гуруҳида биринчи ўрин Алишер Бекмуродовга, иккинчи ўрин Ҳожиакбар Фозилжоновга, учинчи ўрин Жаҳонгир Жавдировга насиб этди. "Б" гуруҳидан эса биринчи ўринга Жаҳонгир Турсунов, иккинчи ўринга Ислом Муҳаммедов, учинчи ўринга Жамол Жавдиров сазовор бўлди.

Мусобақани ўтказишдан мақсад болаларнинг шахматга қизиқишларини янада ошириш ва уларнинг салоҳиятини ўстиришдан иборат. Турнирнинг ғолиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Кўргазма залларида

# "СИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ"



Тошкент Фотосуратлар уйида "Сиз билан фахрланамиз" деб номланган республика бадиий фото кўрик-танлови иштирокчилари кўргазмаси очилди. Кўргазмада ўттиз беш ёшгача бўлган ёш фотосуратчилар билан бирга фото санъатининг таниқли намояндалари ва илк бор Саудия Арабистони Қироллигининг "Qatif Photography Group" фотомактаби вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Танлов шартига кўра суратлар асосан портрет жанрида тақдим этилди. Жонли, манзарали портретлар кўпчиликнинг эътиборини жалб этди. Ёшлардан Назира Боймуродованинг пахта тераётган аёл портрети ёрқинлиги ва табиийлиги билан томошабинларни ўзига жалб этади. Абдуғани Жумаев асаридаги шоир Муҳаммад Юсуфнинг ўйчан қиёфаси ва фон қисмидаги пўстлоғи ёрилган дарахтнинг кўриниши манзара мазмунини янада чуқурлаштириб, фалсафий тус берган.

Кўргазмадаги ҳар бир сурат бир тарих, десак муболаға бўлмайди. Бундай кўргазмалар анъанага айланиб, томошабинлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади, деб ўйлаймиз.

**Ситорабону ТОЛИБЖОНОВА**

*Таниқли болалар шоири Ҳабиб Раҳматнинг биринчи шеъри 1958 йилда кичкинтойлар журнали "Ғунча"да эълон этилган, илк шеърий китоби эса 1966 йилда дунё юзини кўрган эди.*

*Болалар адабиётида ўз ўрнига эга бўлган Ҳабиб Раҳматнинг шу кунга қадар ўттизга яқин шеърий тўплами эълон қилинган, кўплаб шеърлари кичкинтойларга ёд бўлиб кетган. Қуйида шоирнинг болажонларга аталган янги шеърларидан намуналар ўқийсиз.*



# Ўғлим ўзи доно бола

## КЕЛ ЭНДИ

— Сенга битта,
— Менга битта.
Икки жўжа дон бўлар.
Кўрганлар дер, инсофга
Келиб қолибди булар.
Жонга тегди чамаси,
Биттаси дер, бош қашиб:
— Еб қўяйлик, кел энди,
Қолганини талашиб.

## АҚЛЛИ ЎҒИЛ

Салим ака ётиб қолди
Оғриқ ўтган жонидан.
Энг кичкинтой ўғилчаси
Бирдам кетмас ёнидан.
Дориларни топиб берар,
Чой деса-чи, чой берар,
Китоблар ҳам ўқиб берар,
Не деса чопиб қилар.
Ота қараб ётар унга,
Не хаёллар бошида.
Ҳорғингина жилмаяди,
Боласининг қошида.
Хурсанд бўлди ўғилчаси:
— Кулдингиз-а, дадажон,
Сизга кулгу ярашаркан,
Яна кулинг, дадажон.
Кўп кулсангиз яхши сизга,
Тез тузалиб кетасиз.
Кўп кулсангиз яхши сизга,
Дарддан ариб кетасиз.
Ота ҳайрон: "Ким ўргатди
Унга бундай сўзни зап.
Ўғлим ўзи доно бола,
Омон бўлсин закки таъб".
Яхши сўзлар доридан зўр,
Бўлмас уни баҳолаб.
Гўё ариб тандан дарди,
Кулди ота хо-холаб.

## ҚИЗИҚ

Ўроқ думли хўрозча,
Идишчада қўйсанг сув.
Бир ичару
Бир қарар
Ва қичқирар қу, қу, қу!
Сўнг идишни бир тепиб,
Тўкар сувни албатта.
Қу-қу, дейди безрайиб:
— Кечирасан, одат-да.

### Ўзим ўқийман

## ЁМОН-ЁМОН

Ёмон баҳо ёмон-ей,
Диктантимга "бир" чиқди.
Ўчиргандим қиртишлаб,
Роса ундан кир чиқди.

## БЎЛАР ИШ БЎЛДИ

— Деразани ёп, ўғлим,
Уйга пашша киради.
— Кириб бўлди ҳаммаси,
Ёпмасам ҳам бўлади.

## ТЕГМАСАНГ

— Кучугингни боғлаб қўй.
— Билмайсан-да ақлини.
Сенга сира тегмас у
Чиқармасанг жаҳлини.



# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

## *Журналистика соҳасида "ОЛТИН ҚАЛАМ" VI МИЛЛИЙ МУКОФОТИ*

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятта янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" VI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.**

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2010 йилнинг 31 мартидан 2011 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2011 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.**

Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**АСОСИЙ МУКОФОТЛАР:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:**

– журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;
– фаол фуқаролик позицияси учун;
– ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
– ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
– "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"га бағишланган энг яхши материал учун;
– маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;
– ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;
– энг яхши журналистик текширув учун;
– мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;
– энг яхши режиссёрлик иши учун;
– энг яхши матбуот хизмати;
– энг яхши фоторепортаж учун;
– энг яхши карикатура учун;
– чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

"Олтин қалам" танлови ғолиблари ва совриндорларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

**Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:**

– муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
– муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
– паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни 2011 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

**Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар**
**Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.**
**www.Journalist.uz**

# ИХЧАМ ИБОРАЛАР

**Инсон эҳтиёжининг чегараси унинг умри билан ўлчанади.**

* * *

**Номуносиб мақтовдан кўра тан олинмаган ютуқ яхши.**

* * *

**Бир одамнинг ҳаётини ўрганиш учун яна бир одамнинг ҳаёти керак.**

* * *

**Инсон ҳаёти — сирли мўъжиза. Сир очилганда ҳаётнинг қизиғи қолмайди.**

* * *

**Одамзот бир қудуққа ўхшар экан. Суви борида ҳамма келади. Суви тугаганда ташландиқ бўлиб қолади.**

* * *

**Йиқилиш уят эмас, тура олмаслик уят.**

* * *

**Шахматчилар икки тоифага бўлинади: ўйлагандан кейин юрадиганлар ва юргандан кейин ўйлайдиганлар.**

* * *

**Ўз нархингизни қанча кўп оширсангиз, шунча арзон сотилиб кетасиз.**

* * *

**Бола уйдалигида онанинг тили гапиришдан чарчайди. Бола кўчага чиққанида онанинг қалби кутишдан чарчайди.**

* * *

**Ҳатто итнинг меҳрини қозониш учун ҳам одамнинг ўзи меҳрибон бўлиши керак.**

* * *

**Эр ва хотин бир-бирини тўла тушуниб етса ё бахтли яшаб кетади, ёки бутунлай ажралишиб кетади.**

* * *

**Оилада муҳаббат бўлмаса, қалб ижарага олинган бўлади.**

* * *

**Бировга кўрсаткич бармоқни ниқтаб кўрсатаётганингда қолган бармоқларинг ўзингни кўрсатаётганини унутма!**

* * *

**Ақлли одам ҳаётдан қанча кўп олса, жамиятга шунча кўшиб қайтаради.**

* * *

**Донолар муаммоларни бартараф қилиш билан овора.**

**Нодонлар эса янги муаммоларни вужудга келтириш билан банд.**

* * *

**Муҳаббат — оиланинг кўрпаси. Агар у икки томонга тортилаверса, йиртилиб кетади.**

* * *

**Ишқнинг давоси йўқ, лекин унинг оқибати кўп дори талаб қилади.**

* * *

**Дўстга ҳақиқатни гапириб ажралиб қоламан, деб қўрқма. Ҳақиқат билан қолганининг яхши.**

* * *

**Эрнинг эсига келмаганини хотин эсидан чиқара олмайди.**

* * *

**Доно инсон ўзининг хатоларини ўзи топади. Аҳмоқ душманларидан кўради. Нодон — дўстларидан кўради.**

* * *

**Ҳаётни бемаъни ўтказиш учун ақлнинг ҳеч ҳожати йўқ.**

* * *

**Қилган хатоларинг ёшингга ярашса — бу хато, ярашмаса — гуноҳ.**

* * *

**Энг бахтли одамлар: севишганлар, бир-бирларини ахтарганлар, севги нималигини англамаганларни танимаганлар.**

* * *

**"Бахтлиман!" — деб бақиравերма, бахт қушини чўчитиб, учириб юборасан.**

**Баҳодир УМРЗОҚОВ**

Тошкент шаҳар Ҳамза темир йўл коллежи (СПТУ-1) томонидан Абдуллаев Нурилла Мирахмедович номига 30.06.1995 йил АУ 007747 рақам билан берилган диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

ТАТУ томонидан 2008 йил Джураев Сирожидин Рустамкулович номига 41 Т 412 рақам билан берилган рейтинг дафтарчаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги томонидан "Пойкент сервис" уй-жой мулкдорлар ширкатига қарашли "Пойкент биринчи сервис", "Пойкент иккинчи сервис"га берилган думалоқ муҳр ва бурчакли штамп йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

ЎзМУ томонидан 1991 йил 1 июлда Мадаева Замира Умарджановна номига берилган ФВ № 955934 рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

ЎзМУ томонидан 1990 йил 12 июнда Мадаев Нурулла Амануллаевич номига берилган УФ-1 №072943 рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Шайхонтохур туман хокимияти томонидан 2009 йил 1 июлда Мирзаолимов Зафаржон Неъматовичга расмийлаштирилиб берилган 2545/09 рўйхат рақами жш№028938 серияли бланкадаги чакана савдони амалга ошириш хуқуқи учун рухсат гувоҳномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Охунбобоев номидаги Республика тиббиёт коллежи томонидан Нишонова Гулжаҳон Пардабаевна номига 2004 йил 28 июнда берилган К №064132 рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси томонидан Абдурахманов Бахтиёр Уткирович номига 2007 йили берилган QК—1№006012 (рўйхат рақами — 20189) рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Сергели туманидан рўйхатга олинган "SOBIR SAYFULLA SAVDO" МЧЖ нинг устав фонди 65 908 175,4 сўмдан 58 092 652 сўмга камайтирилади.

* * *

Яккасарой туманидан рўйхатга олинган "ORIF-FAYZ SAVDO" МЧЖ тугатилади. Даъволар икки ой муддат ичида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: 100-81-50.

* * *

"TASHMAT-FOYAN" хусусий фирмаси "TASHMAT-FOYAN" МЧЖ га айлантирилади. Даъволар 258-43-09 телефон рақами орқали қабул қилинади.

* * *

НОКА 01 М 001496 давлат рақамли автоуловга тегишли № 0816758 рақамли лицензия йўқолган.

* * *

21 октябр 2010 йил соат 18.15 да Ботир Зокиров кўчасида "Пахтакор" метро бекати ёнида 01966 SAA тўқ кўк (тёмный сапфир) матиз авторусуми одам урворган. Шу автоҳалокатни кўрганлар бўлса 727-73-51, 777-78-40 телефонларига қўнғироқ қилишларини сўраймиз.

* * *

Турсуналиев Шоҳрух Шаҳзод ўғлига 2009-2010 ўқув йилида Бўка туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабини битирганлиги ҳақида берилган И№ 4586626 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент ахборот Технологиялари университети талабаси Фатуллаев Шерзод Убайдуллаевичга тегишли бўлган 02 Т 234 сонли рейтинг дафтарчаси ва талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент шаҳар Миробод тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2008 йил 27 март №003133-03 рақам билан рўйхатдан ўтган "DILNOZA PLUS IMPEX" хусусий корхонаси тугатилади. Даъволар эълон (қилган) чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида Миробод туман 2-Саракўл кўчаси, 2а-уйда +99897-468-86-26 телефон орқали қабул қилинади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 06.11.2008 йил №946 рақам билан рўйхатдан ўтган (инн-200915248, ОКПО 15465584) "ZAPSIB-AZIA" МЧЖ хорижий корхонаси "AZIYA SIBIR INVEST" МЧЖ шаклидаги хорижий корхона деб қайта номланади. Маълумот учун тел: 248-33-18.

* * *

Тошкент ш. Миробод туман ҳокими қарорига асосан 2007 йил 24 декабрда 60-рақам билан рўйхатга олинган (юридик манзили: Миробод тумани, Госпитал, Чехов кўчаси 12-уй, 49-а хонадон) "Habib Biznes Group" МЧЖ ҚК (инн-300652652) таъсисчиларнинг 2011 йил 20 январдаги 1-сонли йиғилиши қарори асосида "DOLOMIT" МЧЖга қўшилиш шаклида қайта ташкил этилганини маълум этади. Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

# ПАРҲЕЗ ВА ЎН ИККИ ХИЛ НЕЪМАТ

"Forbes" журнали идеал даражадаги парҳез учун асос бўладиган ўн икки хил энг фойдали неъмат рўйхатини эълон қилди. Хўш, идеал даражадаги парҳез нима? Мақола муаллифи Жонни Боуденнинг фикрига кўра, амалда идеал даражадаги парҳезнинг ўзи мавжуд бўлмасада, шундай табиий неъматлар борки, улар жуда оз даражада қайта ишлангач, тўйимли моддалар, фитокимёвий бирикмалар, ферментлар ва дармондорилар, минераллар, антиоксидантлар ва фойдали ёғлардан иборат бутун бир малҳамлар мажмуини ташкил этади ва улардан меъёрида фойдаланиш кишига юз ёшгача умр кўриш имконини беради.

"Forbes" рўйхатига кирган мазкур неъматларнинг қайта ишланмагани ҳам, уларнинг таркибида углевод, оқсил ва ёғлар миқдори қанча бўлишидан қатъи назар, фойдали. Жуда оз даражада қайта ишлаш туфайли эса уларнинг малҳамлик даражаси янада ортади.

"Forbes" рўйхатига кирган 12 турдаги неъмат:

**Мевалар.** Барча турдаги мевалар қанд миқдори камлиги ва клетчатка кўплиги билан ажралиб туради. Черника (ярим



бута ўсимлик) хотирани мустаҳкамласа, хўжағат (малина) ва ер тут (земляника) ўзида кўп миқдордаги эллаго кислотасини сақлайди. Бу кислота кучли антиоксидант бўлиб, Америка саратонга қарши кураш жамияти маълумотига кўра, ўсмаларга қирон келтириш хусусиятига эга.

**Дуккаклилар.** Ловия, нўхат каби дуккакли ўсимликлар ҳосили таркибида клетчатка жуда кўп. У вазнни меъёрга солишга ёрдам беради, диабет билан касалланишдан сақлайди, шунингдек, тўғри ичак саратони ва юрак хасталиклари олдини олади.

**Ёнғоқлар**. Парҳезшунослик соҳасидаги кенг кўламли ва узоқ давом этган тадқиқотларда аниқланишича, дастурхондаги таомлар орасида ҳафтада бир неча марта ёнғоқнинг бўлиши юрак-қон томир тизими хасталикларига чалиниш хавфини камайтиради.

**Табиий сут.** Сигирлар, одатда, ўт билан озиқланади, шунинг учун уларнинг сути таркибида линолен кислотаси мўл. Бу модда организмни саратон хасталикларидан ҳимоялайди. Бундан ташқари, табиий сутда кўплаб дармондорилар, минераллар ва фойдали бактериялар ҳам бор.

**Ёввойи лосос балиғи.** Бу балиқлар қаришга қарши энг фойдали маҳсулот ҳисобланади. Совуқ сувларни хуш кўрувчи ёғли балиқлар, масалан, ёввойи лосос, сардина, скумбрия ва сельдлар омега-3 туридаги ёғли кислоталарга бой. Бу кислота мия ва юракни ҳимоя қилиб, кайфиятни кўтаради ва қон босимини туширади.

**Мол гўшти.** Ўт билан озиқланувчи молларнинг гўшти ниҳоятда фойдали бўлиб, у ёғлари таркибига кўра, супермаркетда сотиладиган гўштникидан кескин фарқ қилади. Ўт билан боқиладиган моллар гўшти омега-3 ёғлари сероблиги билан ажралиб туради. Бундай моллар гўшти оқсиллар ва B12 дармондорисига ниҳоятда бой бўлиб, ўзида стероидлар, гормонлар ва антибиотикларни сақламайди.

**Тухум.** Кўпчилик аъло даражадаги табиий неъмат деб биладиган тухумда оқсиллар кўплиги билан бирга, калория нисбатан кам. Тухум сариғида мияни тўйинтирувчи энг муҳим модда — холин, шунингдек, кўзнинг қуввати учун зарур бўлган лютеин мавжуд. Тухум таркибида холестерин (организм учун ниҳоятда зарур модда, бироқ у кўпайиб кетса, саломатликка зарар етади) миқдори кўплиги учун шифокорлар уни ҳафтада бир мартадан ортиқ истеъмол қилишни маслаҳат беришмайди.

**Карам.** Ушбу неъматнинг барча турлари (оқтоб, брюссел, брокколи карамлари) таркибида саратон хасталикларига чалиниш хавфини камайтирадиган индол моддалари мавжуд. Дармондорилардан ташқари карамда организмни турли заҳарли кимёвий моддалардан тозалашга ёрдам берадиган сульфорафан моддаси ҳам мавжуд.

**Олма.** Олма фақат тишни мустаҳкамлаб қолмай, ўпка саратони, диабет ва нафас қисиш хасталикларининг ҳам олдини олади. Ўртача катталикдаги бир дона олмада беш грамм клетчатка ва турли озиқли моддалар мажмуи, шунингдек, суяклар мустаҳкамлиги учун фойдали бўлган К дармондориси мавжуд. Бундан ташқари, агар овқатланишдан ярим соат олдин олма ейилса, муайян муддат иштаҳани тийиб туриш мумкин.

### Соғлигинг — бойлигинг

**Пиёз ва саримсоқ.** Кўплаб тадқиқотларнинг хулосасига кўра, пиёз ва саримсоқ турли хил саратон хасталикларига қарши курашда қўл келади. Бу неъматлар микробларга қирон келтириш хусусиятига эга. Шу билан бирга юрак хасталикларига чалиниш хавфини ҳам камайтиради.

**Анор шарбати.** Тель-Авив университети олимлари анор шарбатини "табиий виагра", деб аташади. Унинг таркиби антиоксидантларга ниҳоятда бой. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, анор шарбати қон босимини туширади ва ўсмалар ҳосил бўлиш жараёнини сусайтиради.

**Кўк чой.** Чойларнинг барча тури фойдали. Бироқ кўк чойда кимёвий моддалар ноёб комбинация тарзида мужассамлашган. Улар саратонга қарши курашиш хусусиятларига эга. Шу билан бирга, кўк чой одам вазни ошиб кетишига ҳам йўл қўймайди.

## ТУРШАКНИНГ ШИФОСИ

Кўпчилик турли шишлардан азият чекади. Тўқималарда сув меъёрдан ортиқ тўпланса, шишлар ҳосил бўлади. Оёқдаги шишлар сабаби эса турлича бўлиши мумкин. Қозонлик Б.Долгих қишда оёғи шишганда туршак дамламасидан фойдаланиб, яхши самарага эришиш мумкинлигини ёзади. Эллик грамм туршак ювиб тозалангач, бир стакан қайноқ сув қуйилиб, 3-4 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра сузиб олинади ва ярим стакандан кунига икки марта ичилади.

— Туршак сийдик ҳайдаш хусусиятига эгалиги сабабли шиш ҳосил қиладиган кўпгина хасталиклар муолажасида қўлланади, — дейди олий тоифали шифокор В.Кукарцева. — Буйрак, жигар ва юрак-қон томир хасталикларини даволашда туршакнинг фойдаси катта. Қишда туршак шарбати, айниқса, фойдалидир. Негаки, қуритилган ўрик калий, каротин, фосфор, калций, темир, B5 дармондорисига бой. Туршакдаги пектинлар эса ошқозон-ичак йўли фаолиятини меъёрга солади. Бироқ одам аъзоларидаги шиш жиддий хасталиклар белгиси бўлиб, унинг сабабини аниқлаш ва зарур муолажа чораларини кўришни тақозо этади.

**Петрушканинг муолажаси.** "Агар ковоқ ости салқиб, халтача ҳосил бўлса, уни петрушка ёрдамида даволаш мумкин, — дейди тиббиёт фанлари доктори А. Стенко. — Бунда петрушка барглари кесиб олиниб, шиш пайдо бўлган жойга қўйилади ва нам момиқ тампон билан беш дақиқа ушлаб турилади. Петрушка барги қовоқ ости шишидан халос этиб, таркибида дармондорилар кўплиги сабабли, терини оқартиради ва мустаҳкамлайди".

**Селдерей илдизи шарбати.** Радикулит ва остеохондрозда селдерей илдизлари шарбати яхши муолажа ҳисобланади. Бунинг учун 2 килограмм селдерей илдизи гўшт қиймалагичдан ўтказилади. Сўнг уч литрли банкага солиниб, бир килограмм асал билан аралаштирилади ва икки ҳафта қоронғи жойда (совуқхонада эмас) сақланади. Бу дори воситаси кунига уч маҳал овқатдан олдин бир ош қошиқдан хасталик тузалгунга қадар ичилади. Аралашманинг таъми у қадар ёқимли бўлмаса-да, радикулит ва остеохондрозни даволашда ниҳоятда қўл келади.

**Турп ва асал.** Ревматизм, радикулит ва невралгияга чалинганда турпнинг асалдаги эритмаси яхши муолажадир. Уч-тўрт ҳисса турп шарбати, икки ҳисса асал ва бир ҳисса сув аралаштирилади. Ревматизм, радикулит ва невралгиядан азият чекувчи аъзолар ушбу аралашма билан артиб турилади. Муолажани узоқ вақт давом эттириш мумкин. Аралашма яхши маҳкамланадиган чинни ёки шиша



идишда музлатгичда сақланади.

**Гриппга чалинмаслик ва шамолламаслик мумкинми?** Бунинг учун арча ва қарағай каби игна баргли дарахтлар "игна"сидан фойдаланиб, иммунитетни мустаҳкамлаш зарур. Арча ёки қарағайнинг игна барглари, аввало, иссиқ сувда, кейин совуқ сувда ювилади. Сўнгра игна барглар майдалаб кесилиб, шиша банкага солинади, устидан тўртга бир нисбатда шакар сепилади. Уни шу ҳолда ёзгача сақласа ҳам бўлади. Банкадаги аралашмадан хвойли шарбат тайёрлаш учун икки ош қошиқ "ширин игнача"ларни тўрт стакан қайнатиб совутилган сувга қўшинг. Уч кун шу ҳолда сақлаб сузиб олингач, кунига икки маҳал ярим стакандан ичинг. Уч-беш кундан, ҳар уч ҳафталик оралиқ билан, муолажа давом эттирилса, иммунитет ошади. Грипп ва шамоллашга чалинмайсиз.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzas@b2c.uz
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50
Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55
Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир – Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи – Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 23.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 7322 Буюртма Г — 148. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН